ИНСОНГА НАФ КЕЛТИРИШ - ОЛИЙ БАХТ

OZBEKISTON KASABA UYUSHMALARI FEDERATSIYASI

FEDERATION OF TRADE UNIONS OF UZBEKISTAN

ИШОНЧ

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ ГАЗЕТАСИ

24 февраль, сешанба 1998 йил №22 (524)

Сешанба , пайшанба ва шанба кунлари чиқади

ҮШБУ СОНДА:

ЕВРОПАДА НИМА УЧУН ЯХШИ ИШ ТОПИШ ҚИЙИН?
2-бетда

МАНФААТЛАР ТЕНГ ҲИМОЯ ҚИЛИНИШИ КЕРАК
3-бетда

НАТАНО - 98 ИНТИҲОСИ
4-бетда

АМАЛИЙ ҲАМКОРЛИК — МУНОСАБАТЛАРНИНГ АСОСИЙ МЕЗОНИ

Илгари хабар қилинганидек, Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов 18-20 февраль кунлари расмий ташриф билан Украинада бўлди.

Ўзбек ва украин халқлари ўртасидаги дўстлик ва ҳамкорлик алоқалари узоқ тарихга эга. Қадимий ёзма манбаларнинг гувоҳлик беришича, ўнинчи асрлардаёқ Хоразм ва Киев ўртасида дўстлик ришталари ўрнатилган. Буюк кўбизчи Тарас Шевченконинг қадами эса Орол бўйларига ҳам еттан.

Мустақиллик йилларида Украина ва Ўзбекистон ўртасидаги сиёсий-иқтисодий ҳамкорлик янги асосларда ривожлана бошлади.

Ўтган йили мамлакатларимиз ўртасидаги савдо оборoти 320 миллион АҚШ долларидан ошиб кетди. Ўзбекистон Украинага нефт ва газ, пахта толаси, ип, мис ва қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етказиб беради. Украина эса бизга металл прокатлари, машина ва механизмлар, насослар, электр ускуналар, шакар ва кунгабоқар мойи каби маҳсулотларни экспорт қилади.

Ташриф давомида Украина ва Ўзбекистон Президентлари раҳбарлигида расмий делегацияларнинг кенгайтирилган таркибдаги музокараларида иқтисодий, илмий ва маданий ҳамкорликни янги босқичга кўтариш имкониятлари мавжудлиги таъкидланди.

Мариинск саройининг Оқ залида Президентлар Ислом Каримов ва Леонид Кучма Ўзбекистон Республикаси билан Украина ўртасидаги «Дўстлик ва ҳар томонлама ҳамкорликни янада чуқурлаштириш тўғрисида»ги Шартномани имзоладилар. Шунингдек, Давлатлараро Консуллик Конвенцияси, оилавий ва фуқаролик ишларида ҳуқуқий ёрдам бериш, интеллектуал мулкни, атроф муҳитни муҳофаза қилиш, табиий газ етказиб бериш билан боғлиқ ўндан зиёд Шартнома ва Битимлар ҳам қабул қилинди.

Биз турли баёнотлардан кўра амалий ҳамкорликни афзал кўрамиз, деди давлатимиз раҳбари мухбирлар билан суҳбатда.

Зеро, амалий ҳамкорлик давлатлар ўртасидаги муносабатларнинг асосий мезони бўлмоғи керак. Шу маънода Украина сиёсий, иқтисодий, маданий соҳаларда энг ишончли ҳамкорларимиздан саналади. Қолаверса, халқларимизнинг қалби, руҳияти бир-бирига жуда яқин. Буни Ўзбекистонда ўтган Украина маданияти кунларининг улкан дўстлик байрамига айланиб кеттани ҳам яққол намойиш этди. Бугун имзоланган ҳужжатлар мамлакатларимиз ўртасидаги дўстлик ришталарини янада мустаҳкамлайди. Бизнинг иқтисодий салоҳиятларимиз Ўзбекистон ва Украина ўртасидаги савдо оборотини 1 миллиард АҚШ долларигача етказиш имконини беради.

Ўзбекистонда амалга оширилаётган ўзгаришларга келсак,- деди Ислом Каримов,-биз бу борада бугунги кунда бутун дунё тан олган ўз моделимизга эгамиз. Ўтган йили мамлакатимизда бир миллиард 200 миллион долларлик чет эл инвестицияси ўзлаштирилганлиги ҳам ана шу эътироф натижасидир. Ўзбек модели бозор муносабатларига иқтисодиётни сиёсатдан устувор, деб белгилаган ҳолда, аҳоли ижтимоий ҳимоясини назардан соқит қилмай, босқичма-босқич ўтишни назарда тутади. Давлат бу ўзгаришларни амалга оширишда ҳаётнинг барча соҳаларида қонун устунлигини таъмин этган ҳолда, етакчилик қилади. Биз эришган энг катта ютуқ эса ислоҳотларнинг муқаррарлигига, халқ фаровонлигини ошириш омили эканига фуқароларимизнинг қатъий ишончидир.

Президент Леонид Кучма Ўзбекистонда қарор топган тинчлик ва осойишталик иқтисодиётда эришилаётган ютуқларнинг замини эканини қайд этди. Шу ўринда Украина раҳбари келтирган бир мисолни айтиб ўтиш жоиздир. Биз Кореянинг «ДЭУ» корпорацияси билан автомобил заводи қуриш ҳақидаги музокараларни Ислом Каримов иккимиз бир вақтда бошлаган эдик, деди Леонид Кучма. Бугунга келиб, кўриб турганингиздек, Ўзбекистон уч турдаги бир-биридан гўзал машиналарни ишлаб чиқармоқда. Биз эса таассуфки, музокара ва мунозаралардан нарига ўтолганимиз йўқ.

Ташриф дастуридан давлатимиз раҳбарининг Украина қишлоқ хўжалик фанлари академиясига қарашли Гидротехника ва мелиорация институтига бориши ҳам ўрин олгани бежиз эмасди. Чунки институт олимлари ўзбекистонлик касбдошлари билан узоқ вақтлардан буён ҳамкорлик қилиб келади.

Бу ерда ишлаб чиқилган қурилмалар, ускуналар суғоришни илмий асосда бошқариш, сувдан тежаб фойдаланиш имконини беради.

Айниқса, оқова сув зовурлари - дренажларни тозалашда ишлатиладиган экскаватор, ичимлик суви тайёрланиб узатиладиган мослама, бу ерда синовдан ўтган буғдой навлари йўлбошчимизда катта қизиқиш уйғотди.

Академия олимлари ва етакчи мутахассислар билан мулоқот чоғида уларнинг ўзбекистонлик ҳамкасблари билан ҳамкорлигини янада кенгайтириш ҳақида келишиб олинди.

Президентнинг Украина парламенти - Олий Рада Раиси Александр Мороз билан учрашувида мустақиллик йилларида жамиятни демократлаштириш борасида мамлакатларимизда тўпланган тажриба хусусида гап борди. «Биз эркин ҳуқуқий давлат қуришнинг қонуний асосларини яратдик», - деди Ислом Каримов. Бу борада янги уй қурмай туриб эскисини бузманг, деган нақлга амал қилдик.

Ўзбекистонда турли миллат вакилларининг, хусусан, украинларнинг ҳам тинч-тотув яшаётгани, ўзбек халқи билан елкама-елка туриб буюк давлат барпо этиш йўлида меҳнат қилаётгани ана шу сиёсат натижаси десак муболаға бўлмайди.

Президентимиз Днепропетровск вилоятида бўлди. Днепропетровск вилояти Украина иқтисодий салоҳиятида алоҳида ўрин тутади. Бу ерда мамлакат саноат маҳсулотининг 15 фоизи ишлаб чиқарилади. Днепропетровск шаҳрида 178 йирик саноат корхонаси бор. 600 дан зиёд корхона эса ўз маҳсулотларини хорижга экспорт қилади.

«Жанубий машинасозлик заводи» ишлаб чиқариш бирлашмаси ана шундай йирик корхоналардан биридир. Бу ерда «Зенит» ракета мажмуалари, сунъий йўлдош ва космик кемаларни фазога олиб чиқувчи «циклон» ракетаси, «Океан» космик аппаратлари, шунингдек, жаҳон андозаларига жавоб берадиган тракторлар, трамвай ва троллейбуслар ишлаб чиқарилади.

Президент Ислом Каримов Леонид Кучма ҳамроҳлигида заводнинг иш жараёни билан танишди. Муҳандис ва ишчилар билан суҳбатлашди. Ўзбекистон корхоналари билан ҳамкорлик қилинадиган йўналишлар белгилаб олинди. Айниқса, олтин қазиб олиш, фазони тадқиқ этиш соҳаларида кенг ҳамкорлик уфқлари мавжудлиги қайд этилди.

Шуни таъкидлаш керакки, давлатимиз раҳбарининг Украинага ташрифи амалий натижаларга бой бўлди. Ўтказилган учрашув ва музокаралар сиёсий, иқтисодий масалаларда икки давлат раҳбарларининг қарашлари уйғун эканлигини яна бир бор тасдиқлади.

Президент Ислом Каримовнинг Украинага сафари чоғида унга Бош Вазир ўринбосарлари Қ.Ҳаққулов, М.Усмонов, ташқи ишлар вазири А.Комилов ва бошқа расмий кишилар ҳамроҳлик қилди.

Аҳмад ХЎЖА,
Тошкент-Киев-Тошкент
(ЎзА).



ЕТТИ ИҚЛИМ НАФАСИ

Арманистон Миллий Мажлиси — парламенти раиси Хусрав Арютюнянинг фикрича, Каспий нефтини бошқа давлатларга етказиш учун Арманистон ҳудудидан қувурлар ўтказиш керак. Унинг айтишича, бу йўл анча қулай ва арзонга тушади.

* * *

Қрим мухторияти Конституцион суди Украина парламентининг мухторият депутатларини қайта сайлаш тўғрисидаги қонунига қарши чиқмоқда. Украина таркибига кирувчи Қрим Конституцион судининг фикрича, мухторият депутатларининг қайта сайланиши инсон ҳуқуқларини поймол этиш демакдир.

* * *

Америка Қўшма Штатлари Президентининг рафиқаси Хиллари Клинтон АҚШ Давлат департаментида ўзининг яқинда Марказий Осиё давлатлари, Россия ва Украинага қилган ташрифи юзасидан матбуот анжумани ўтказди. АҚШнинг биринчи хоними фикрича, ушбу давлатлар тараққиёт йўлидан дадил одимламоқда.

* * *

Грузия Бош прокурори Жамлет Бабилашвили мамлакат Президенти Эдуард Шеварднадзега суиқасд уюштиришда қатнашган 11 кишининг ҳаммаси қўлга олинганини маълум қилди. Бабилашвилининг айтишича, энди фақат суиқасд уюштиришга буйруқ берганларни топиш қолди.

* * *

Молдавия авиакомпаниясига қарашли АН-72 самолёти 1997 йилнинг 22 декабрида Африкада ғойиб бўлган эди. Олиб борилган текширув ишлари давомида самолёт ва унинг экипажи Ангола ҳарбийлари томонидан қўлга олинган, деган гумон туғилди. Ҳозир Молдавия ҳукумати Анголага ўз вакилларини юбориб, бу гумонларни текширишга ҳаракат қилмоқда.

* * *

Франция ҳукумати Туркиянинг Европа Иттифоқига аъзо бўлиш ниятини қўллаб-қувватлайди. Бу ҳақда Франция Президенти Жак Ширак Парижда Туркия раҳбари Сулаймон Демирэл билан бўлган учрашувдан сўнг баёнот берган.

* * *

Бразилия пойтахти Рио-де-Жанейрода ҳар йили ўтказиладиган анъанавий карнавал тантаналари бошланди. Бу байрамда жаҳоннинг кўплаб давлатларидан ўн мингдаб меҳмонлар иштирок этмоқдалар. Тропик табиатнинг инжиклиги тутиб, ёмғирлар ёғиб турганига қарамай, карнавал жуда қувноқ ва кўтаринкилик руҳида ўтмоқда.

Жаҳон ахборот агентликлари хабарлари асосида.

Ўзбекистон ва жаҳон

ХАВФСИЗЛИК ЙЎЛИДАГИ ҲАМКОРЛИК

26 февраль куни Ўзбекистон Республикаси Европада Хавфсизлик ва Ҳамкорлик Ташкилотига аъзо бўлиб кирганига 6 йил тўлади.

Европада Хавфсизлик ва Ҳамкорлик Ташкилоти (ЕХҲТ) 70-йиллар бошида ташкил этилган. Дастлаб у Европада Хавфсизлик ва Ҳамкорлик Йиғини деб номланган эди. 1994 йилда Будапештда ўтказилган халқаро учрашувда Европада Хавфсизлик ва Ҳамкорлик Йиғини Европада Хавфсизлик ва Ҳамкорлик Ташкилотига айлантирилди. ЕХҲТ нафақат Европа, балки умумжаҳон миқёсида инсон ҳуқуқлари ва эркинлигини ҳимоя қилиш, минтақавий ва ялпи хавфсизлик, иқтисодий ва маданий ривожланиш муаммолари билан шуғулланувчи йирик ва нуфузли халқаро тузилмадир.

Ўзбекистон мустақилликка эришгач, бир қатор халқаро ташкилотларга аъзо бўлди. Бу борада 1992 йил давлатимиз учун ғоят самарали бўлди. Ўзбекистон шу йили Бирлашган Миллатлар Ташкилоти, Иқтисодий Ҳамкорлик Ташкилоти, Халқаро Божхона Ташкилоти, Жаҳон банки, Парламентлараро Иттифоқ Қўшилмаслик Ҳаракати ва бошқа қатор халқаро сиёсий, иқтисодий, молиявий тузилмаларга тенг ҳуқуқли аъзо бўлиб кирди. 1992 йилнинг 26 февралида Ўзбекистон Республикаси Европада Хавфсизлик ва Ҳамкорлик Ташкилотининг ҳам аъзосига айланди.

1992 йилнинг ўзида республикамиз ЕХҲТнинг 1975 йилги Хельсинки якунловчи акти, шунингдек, янги Европанинг Париж хартияси ва бошқа муҳим халқаро ҳужжатларига қўшилди. Бугунги кунда Ўзбекистон билан ЕХҲТ ўртасидаги ҳамкорлик самарали равнақ топиб бормоқда. Юртимизда ташкилот ташаббуси ва иштирокида бир қатор муҳим анжуманлар бўлиб ўтди. Бу анжуманларда Ўзбекистоннинг жаҳон ҳамжамиятига интеграциялашуви, инсон ҳуқуқларини ҳимоялаш ва жамиятни демократлаштириш масалалари муҳокама этилди. Жумладан, 1994 йилнинг сентябрь ойида Тошкентда ЕХҲТнинг умумий масалалар бўйича семинари ўтказилди. Унда ташкилотга аъзо барча мамлакатлар ҳамда Марказий Осиё давлатлари, шунингдек, кўплаб халқаро ташкилотлар вакиллари иштирок этдилар.

1995 йилнинг сентябрь ойида эса Бирлашган Миллатлар Ташкилоти ва ЕХҲТ ташаббуслари билан Тошкентда Марказий Осиёда хавфсизлик ва ҳамкорлик масалалари бўйича халқаро анжуман ўтказилди: Унда минтақавий хавфсизликнинг ишончли ва мустаҳкам тизимини ишлаб чиқиш, тинчлик ва барқарорликни асраш, миллатлараро низолар олдини олиш ҳамда инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш билан боғлиқ қатор масалалар кўриб чиқилди. 1996 йилнинг сентябрь ойида пойтахтимизда ЕХҲТ инсон ҳуқуқлари бўйича миллий муассасалар билан боғлиқ масалалар юзасидан семинар-кенгаши бўлиб ўтди. Бугунги кунда Ўзбекистонда мавжуд инсон ҳуқуқлари бўйича миллий муассасалар, жумладан, Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси миллий Маркази ЕХҲТ ва унинг инсон ҳуқуқлари бўйича тузилмалари билан самарали ҳамкорликда фаолият олиб бормоқда. Ўзбекистон Республикаси вакилларининг ЕХҲТ томонидан ташкил этилган турли халқаро анжуманлардаги иштирокини ҳам қайд этиб ўтиш жоиз. Жумладан, Варшавада ўтказиладиган ЕХҲТнинг демократик муассасалар ва инсон ҳуқуқлари бўйича Бюроси йиғилишларида Ўзбекистон делегацияси доимий равишда қатнашиб келади.

1995 йилнинг октябрь ойида Тошкентда ЕХҲТнинг Марказий Осиё билан алоқалар Бюроси очилди. Бу давлатимизнинг Европада Хавфсизлик ва Ҳамкорлик Ташкилоти билан йўлга қўйган ҳамкорлик алоқаларини янада ривожлантиришга катта имкониятлар яратди. Ташкилотнинг Марказий Осиё билан алоқалар Бюроси ташаббуси ва бевосита иштирокида мамлакатимизда бир қатор муҳим халқаро учрашувлар ўтказилди. Жумладан, 1997 йилнинг сентябрида Тошкентда ЕХҲТ Парламент Ассамблеясининг Кенгайтирилган Бюроси йиғилиши ҳамда «Марказий Осиё ва Кавказда сиёсий, иқтисодий, ижтимоий ва гуманитар масалалар» мавзусида халқаро анжумани ўтказилди. Анжуманда минтақавий хавфсизликни таъминлаш билан боғлиқ муаммолар, минтақавий хавфсизлик орқали ялпи тинчликка эришиш саъйи-ҳаракатлари, иқтисодий ва ижтимоий ривожланишнинг муҳим омиллар ва қатор бошқа масалалар юзасидан фикрлар алмашилди. Учрашувда иштирок этган ЕХҲТ Парламент Ассамблеясининг раиси Хавьер Руперез Ўзбекистоннинг минтақавий ва ялпи хавфсизлик муаммоларини ҳал этишдаги саъйи-ҳаракатлари, айниқса, Афғонистондаги урушни тинчлик йўли билан бартараф этиш ҳамда Тожикистондаги қарама-қаршиликни тугатиш борасидаги ташаббусларини юқори баҳолади.

Хулоса қилиб айтганда, Ўзбекистон ва ЕХҲТ ўртасидаги конструктив ҳамкорлик алоқалари минтақамизда тинчлик, барқарорлик ва инсон ҳуқуқларига риоя қилишни мустаҳкамлаш ишига катта ҳисса қўшмоқда. Давлатимизнинг дунё ҳамжамиятидаги нуфузининг тобора ортиб бориши, халқаро сиёсий ва иқтисодий жараёнларга дадил интеграциялашуви омилларидан бири бўлиб қолмоқда.

Хайрулло НУРИДДИНОВ,
шарҳловчи.

Янгийўл туманидаги «Янги ҳаёт» жамоа хўжалиги аъзолари бу йил 800 гектар майдонда пахта етиштиришни режалаштиришган. Шу кунларда хўжалик пахтакорлари баҳорги экин-тикин ишларига пухта ҳозирлик кўришмоқда. Механизаторлар мавжуд 9 та чигит экиш сеялкасини тахт қилиб қўйдилар.
Суратда: (чапдан) механик А.Абдуғаниев, устахона-мудири М.Раҳимов, бош муҳандис Т.Аблаевлар таъмирланган техника воситалар сифатини кўздан кечиришмоқда.
Н.МУҲАММАДЖОНОВ олган сурат.

МИЛЛИЙ ДАСТУРГА ЮКСАК БАҲО

Яқинда Деҳлида таълим соҳаси ва саводсизликни тугатиш бўйича иккинчи Осиё минтақавий анжумани ўз ишини якунлади. Унинг ишида Ўзбекистон делегацияси иштирок этди.

Анжуман ишида, шунингдек ЮНЕСКО, ЮНИСЕФ, БМТнинг Тараққиёт дастури вакиллари, Канада, Буюк Британия, ХХР, Индонезия, Таиланд, Ҳиндистон, Покистон, Малайзия, Шри-Ланка, Непал, Бутан, Бангладеш, Монголиядан делегациялар қатнашди.

Таълим тизимига жалб этилаётган хусусий ва давлат сармояларининг ҳажмини ошириш, ўқитувчиларнинг касб савиясини юксалтириш ва ўқитишнинг янги услубларини ишлаб чиқиш, аёлларни ўқитиш ва уларнинг билим олиш ҳуқуқларининг таъминланиши муаммолари, шунингдек, аҳолининг саводхонлик даражасини ошириш бўйича турли мамлакатлар концепциялари муҳокама этилди.

Ўзбек делегацияси анжуман иштирокчилари эътиборига Ўзбекистон Республикасининг кадрлар тайёрлаш бўйича миллий дастурини тақдим этди.

- Бундай Миллий дастурнинг яратилиши - Ўзбекистоннинг замонавий даражадаги яна бир ютуғи, мамлакат мавқеининг жаҳон ҳамжамиятида мустаҳкамланаётганлигининг ва Ўзбекистон ҳукуматининг ёш авлод саводхонлик даражасини юксалтиришга бўлган эътиборининг кўрсаткичидир,- таъкидлади АҚШдаги Пенсильвания университетининг Саводхонлик бўйича тадқиқотлар халқаро институтининг ижроия директори Муҳаммад Маъмурий.

Ўзбекистоннинг кадрлар тайёрлаш бўйича миллий дастури конференция иштирокчилари томонидан юксак баҳоланди.

Аслом АКБАРОВ,
«Жаҳон» АА мухбири
Деҳли.

БИРИНЧИ БОСҚИЧ МАШҒУЛОТЛАРИ ЯКУНЛАНДИ

Вазирлар Маҳкамасининг қарорига мувофиқ Ўзбекистон Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академиясида Олий Мажлис қўмиталари раҳбарлари, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси, вилоят ҳокимлари ҳамда тегишли вазирлик ва идоралар, уюшма ва компаниялар раҳбарларининг ўринбосарлари ва туман ҳокимларининг қишлоқ хўжалигида иқтисодий ислоҳотларни жадаллаштириш масалаларига бағишланган ўқув машғулотларининг биринчи босқичи якунланди.

Бир ҳафта давом этган машғулотларда тингловчилар Олий Мажлис ўнинчи сессиясида кўриб чиқилиб, умумхалқ муҳокамасига ҳавола этилган Ўзбекистон Республикаси Ер кодексининг ҳамда «Қишлоқ хўжалиги кооперативи (ширкат хўжалиги) тўғрисида», «Фермер хўжалиги тўғрисида» ва «Деҳқон хўжалиги тўғрисида»ги қонунлари лойиҳаларини ўрганишлар, мазкур ҳужжатларни янада такомиллаштириш юзасидан фикр-мулоҳазаларини баён этдилар.

Сўзга чиққанлар Президентимиз Ислом Каримов қишлоқ хўжалигида туб ислоҳотларни янада жадаллаштиришга ғоят катта эътибор бераётганини, давлатимиз раҳбари Олий Мажлис ўнинчи сессиясида қилган маърузасида, Вазирлар Маҳкамасида бўлиб ўтган учрашувда сўзлаган нутқида бу масалаларга яна бир бор жиддий эътибор қараттанини таъкидладилар.

Машғулотлар қатнашчилари қишлоқ хўжалиги инфратузилмасини шакллантириш, бозор иқтисодиёти ва қишлоқ хўжалиги, оила пудрати - қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқариш ва меҳнатни ташкил этишнинг устивор йўналиши, қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи, тайёрловчи ва сотувчи ташкилотлар ўртасида шартномавий-ҳуқуқий муносабатлар, қишлоқ хўжалигида пайчиликнинг ўрни ва улар фаолиятини такомиллаштириш, фермер хўжалиги фаолияти, қишлоқда мулкдорлар синфини шакллантириш, қишлоқ хўжалиги корхоналарини санация қилиш каби мавзуларда маърузалар тингладилар.

Республика Бош вазирининг биринчи ўринбосари И.Жўрабеков якунловчи машғулотда сўзга чиқди. Машғулотларда Президентнинг Давлат маслаҳатчиси Т.Алимов, Бош вазир ўринбосари А.Азизхўжаев, Президент девони қонунчилик ва суд ҳокимияти органлари билан алоқалар бўйича экспертлар гуруҳи раҳбари Й.Назаров қатнашди.

(ЎзА).

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРОКУРАТУРАСИДА

1998 йил 17 февралдан 18 февралга ўтар кечаси Сурхондарё вилоятининг «Оқтош» божхона ва чегара назорати постида мазкур пост ҳарбий хизматчилари ўртасида можароли воқеа содир бўлди. Ҳарбий хизматчилардан бирининг ўқотар қуролни ишлатиши фожеали оқибатларга олиб келди. Ҳарбий хизматчилар ва божхона пости ходимлари орасида яралдорлар ва ҳалок бўлганлар бор.

Олиб борилган тезкор - қидирув тадбирлари натижасида можароли воқеа айбдори аниқланди ва қўлга олинди.

Ушбу факт юзасидан Ўзбекистон Республикаси Прокуратураси, Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати, Чегара қўшинлари қўмондонлиги ва бошқа тегишли органлар томонидан чуқур тергов ҳаракатлари олиб борилмоқда.

Жиноий иш қўзғатилди.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ БОЖХОНА ҚЎМИТАСИ МАТБУОТ ХИЗМАТИ ХАБАР ҚИЛАДИ

1998 йил 21 февраль куни Сурхондарё вилояти «Сариосиё» божхона пости ходимлари Тожикистон Республикасидан келаётган, Қозоғистон Республикаси фуқаролари И.Сесарев ва Н.Сиздиков бошқарувидаги «Х 677 ВЛМ» давлат белгисидаги «Камаз-5321» русумли транзит автомашинани назоратдан ўтказишди.

Божхона ходимларининг ҳушёрлиги туфайли ҳужжатларда кўрсатилган юклар ичидан 444 килограмм 335 грамм гиёҳванд моддалар: жумладан 6 килограмм 580 грамм героин, 253 килограмм 725 грам наша, 182 килограмм 60 грамм қорадори, 1 килограмм 970 грамм марихуанна топилди.

Юқорида номлари кўрсатилган Қозоғистон Республикаси фуқаролари қўлга олинди. Мазкур факт юзасидан жиноий иш қўзғатилди, тергов ҳаракатлари олиб борилмоқда.

КОНТРАКТАЦИЯ ШАРТНОМАЛАРИ ҚАНДАЙ БАЖАРИЛМОҚДА?

ТЎСИҚ

ЁКИ ПИЛЛА ТОПШИРИБ, ИШ ҲАҚИНИ ОЛОЛМАЁТГАНЛАР ХУСУСИДА

Шароф Рашидов туманидаги Темур Малик номли деҳқон-фермер хўжаликлари бирлашмаси ўтган 1997 йилда пиллачилик соҳасида режа топшириқларни ортиғи билан уддалади. Хўжалик пиллакорлари белгиланган 3450 килограмм ўрнига 4336,9 килограмм хом ашёни контрактация шартномаси асосида қабул пуктига етказиб беришди. Ёки бошқача қилиб айтганда, тумандаги «Ипакчи» кенг тармоқли хусусий савдо ишлаб чиқариш фирмасига 210 минг 314 сўмлик «қумуш тола» сотилди. Хўш, шундай экан, хўжалик пиллакорларининг тармоқдан иқтисодий манфаатдорлиги қандай бўлди?

Ана шу каби саволларга жавоб олиш мақсадида яқинда Темур Малик номли хўжаликда бўлиб, пиллачилик ҳосилоти Озода Раҳматова билан суҳбатлашдик. Ўн бир йилдирки, у йирик хўжаликнинг пиллачилик тармоғига раҳбарлик қилиб келади. Ҳар йили ўзи истиқомат қиладиган «Қулмирза» қишлоғидаги уйининг икки хонасини мослаштириб, уруғдан қурт чиқариб, ўз хўжалиги ҳамда қўшни Ғафур Ғулом номли хўжаликни ипак қуртлари билан етарли миқдорда таъминлаб келмоқда. Биргина ўтган йили жами 126 қути ипак қурти чиқариб, унинг 85 қутисини Темур Малик номли хўжаликка, қолган 41 қутисини қўшни Ғафур Ғулом номли хўжалик пиллакорларига етказиб берди. Бу каби масъулиятли ишлар пиллачилик ҳосилотининг бевосита хизмат вазифасига кирмаса-да, у оила бюджетига мадад бўлар, деган илинжда қилади, албатта.

— Пилла уруғини қуртга айлантириш жуда нозик ва машаққатли иш, — дейди О. Раҳматова, — бунда озгина эътиборсизлик ёки хатоликка йўл қўйилса, бўлғуси пилла ҳосилидан умид қилмаса ҳам бўлаверади. Атиги ун кунлик машаққатли иш жараёни келгуси ҳосил тақдирини белгилаб беради. Менга ишимда турмуш ўртоғим, II гуруҳ меҳнат ногирони Жумабой Раҳматов ҳамда беш нафар фарзандларимиз яқиндан кўмак беришади. Агар меҳнат фаолиятим орқали иқтисодий манфаатдорликка келадиган бўлсак, унчалик мақтанарли эмас. Қўшни хўжаликка ўтган йилда етказиб берган ҳар қути пилла қуртига 50 сўмдан пул ва бир халта ун ҳақи олдим. Лекин ўзим меҳнат қилаётган Темур Малик номли хўжалик тўрт йилдан буён хизмат вазифамга ойлик маошимни бермасдан келаяпти. Сўнгги икки йилда ипак қурти чиқарганим учун ҳам ҳақ ололганим йўқ. Хўжаликнинг шахсан мендан бугунгача бўлган умумий қарзи ўн минг сўмдан ошиб кетди. Яна бунинг устига ўтган йили оиламиз аъзолари билан хўжаликка 169 килограмм пилла хом ашёси топширдик. Бунинг ҳам ҳақини ололмадик.

Темур Малик номли хўжаликда ўтган йили 65 оила ипак қурти боқиб, мўл ҳосил етиштирдилар. Дилбар Қаршиева, Узук Тожимаматова, Қандолат Султонова, Марварид Мавлонова каби пиллакорлар ҳар қути қуртдан 70—87 килограммдан «қумуш тола» йиғиштириб олишди. Хўжалик пиллакорларига май ойига келиб ҳар қути пилла қурти учун бир халтадан ун, 500 сўмдан пул бунак (аванс), сифатида берилди. Хўш, қолгани-чи?

Шароф Рашидов туманидаги «Ипакчи» хусусий фирмаси билан Темур Малик номли хўжалик ўртасида 1997 йил 3 февралида контрактация шартномаси тузилган. Мазкур шартнома билан танишар эканмиз, ундаги «жами харид нархлари», «мулкий жавобгарлик», «навлар», «қўшимча шартлар» сингари муҳим бандлари тўлдирилмасдан очиқ қолганлигига гувоҳ бўлдик. Шартноманинг «Тайёрловчи мажбуриятлари» қисмининг 7-моддасини айнан келтирамиз: «... ўзаро келишганига мувофиқ хўжаликка аҳдлашилган маҳсулот нархининг пилла учун 25 фоиз ҳажмида махсус белгиланган қоидаларга биноан томонлар келишган муддатларда ширинкома (аванс) бериб туради». Қизиқ, бундай пойинтар-сойинтар жумлалар билан томонлар нима демоқчи? Бунда тайёрловчи манфаати кўпроқ назарда тутилаётгани аниқ-ку! Ахир республика ҳукуматининг 1994 йил 29 августдаги 438-сон қарори билан тасдиқланган «Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари контрактация шартномаларини тузиш ва бажариш тартиби тўғрисидаги Низом»га мувофиқ тайёрловчи хўжаликка майойида эмас, аксинча, пилла тутиш мавсуми бошланмасидан анча барвақтроқ, бунинг устига ун ҳолида эмас, нақд пул ҳисобида бунак (аванс) бериши шарт эмасмиди! Бунинг устига хўжалик шартномада кўрсатилган миқдордан анча ортиқ пилла топширган бўлса-да, Низомнинг 24-бандида кўрсатилган ҳисоб-китоблар бўйича талаблар «Ипакчи» фирмаси томонидан анча муддат кечикиб амалга оширилди. Бунда яна тайёрловчига шартноманинг «мулкий жавобгарлик» банди тўлдирилмагани қўл келган бўлса ажабмас. Шартноманинг муҳим иқтисодий жавобгарлик тўғрисидаги бандлари бўлмагач, айниқса, тайёрловчи томонидан турли хил «тиқиштиришлар» содир этилди. Масалан, шартномада кўрсатилмаган бўлса-да, «Ипакчи» фирмаси хўжаликка 72 минг сўмлик тут кўчати (донасини ун сўмдан) ни қабул қилган пилла ҳисобидан қўшқўллаб топширади. Хўжаликка берилган ун, уруғ, қоғоз, тут кўчати сингари моддий ашёларга «Ипакчи» фирмасининг 202 минг 759 сўмлик маблағи сарфланди. Шунингдек, фирма хўжаликка 82 минг сўмлик пул маблағи ҳам ўтказиб берди. Шунга қарамай, ҳозирги пайтда Темур Малик номли хўжалик пиллакорлардан 1997 йил ҳисобига биргина иш ҳақидан 57 минг сўмдан ортиқроқ қарздор бўлиб турибди.

Мақоламизнинг шу жойида айрим мулоҳазаларимизни айтиб ўтсак. **Биринчидан,** тайёрловчи ва хўжалик ўртасида тузилган контрактация шартномаси мукаммал қилиб тузилмаган. Яъни, инкубатордан чиққан жўжалардек бир хилда қўпайтирилган шартнома бланкалари юқорида айтганимиздек, батафсил тўлғазилмаган. Бундай шошқалоқликни туман ҳокимлиги қошидаги қишлоқ хўжалик маҳсулотлари сифати назорат инспекцияси раҳбарлари бартараф қилиш ўрнига ушбу шартномани 1997 йил 4 февраль куни 177-рақам билан рўйхатга олган-ку, шошилганидан ҳатто муҳр қўйишни ҳам «унутибди». Контрактация шартномаси томонларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятларини белгиловчи асосий ҳужжат ҳисобланар экан, шартномалар тузилаётганида ҳар иккала томондан ҳуқуқшунос-маслаҳатчилар матнни тўлиқ кўриб чиқиб, улар ҳам ушбу ҳужжат тўғри ва қонунийлигини тасдиқлаб ўз имзоларини қўйиб берсалар фойдадан холи бўлмасди.

Иккинчидан, маҳсулот баҳосига келганда жуда умумий ва мавҳум қилиб «келишилган нархда» деб ёзиб қўйилиши унчалик тўғри эмас. Бундай ҳол катта тафовутларни келтириб чиқариши мумкин. Масалан, ўтган йилги пилла ҳосилининг ҳар килограммига Бухоро вилояти хўжаликларида 65—70 сўмдан тўлангани ҳолда Шароф Рашидов туманида «Ипакчи» фирмаси томонидан ҳар килосига 48 сўм 61 тийиндан ҳақ тўланган. Мазкур хусусий фирманинг ўтган йилги умумий фойдаси 297905 сўмни ташкил этди.

Темур Малик номли хўжалик бош ҳисобчиси Абдуҳаким Норқуловнинг изоқ беришича, пиллакорларнинг қарзи жорий йилдаги қишлоқ хўжалик маҳсулотларига бериладиган бунак ҳамда эртанги қишлоқ хўжалик маҳсулотларини сотишдан тушган маблағ ҳисобига тўланиши кўзда тутилаётган эмиш. Бу билан хўжаликда аниқ мақсадга сарфланиши зарур бўлган пул маблағлари ўзга йўналишга бурилиб юборилмасмикин?

Ҳақли савол туғилади: **хўш, нега энди хўжаликда заҳматкаш пиллакорларнинг меҳнати вақтида муносиб баҳоланмади?** Янги пилла боқиш мавсуми тобора яқинлашиб қолгандагина хўжаликда бу ҳақда бош қотирилаяпти, холос. Бунда кимни бош айбдор деб ҳисоблаш мумкин? Бизнинг фикримизча, хўжалик раҳбар кадрларнинг ўз вазифасига масъулиятсизлиги ва уқувсизлиги, уларнинг тез-тез алмаштирилиб турилиши бўлса ажаб эмас. Хўжалик раҳбарининг сўнгги уч йил мобайнида тўрт бор алмаштирилгани бу каби ишларга, хўжалик иқтисодиётига, аҳолининг ижтимоий турмуши яхшиланишига жиддий тўсиқ бўлиб қолаётир. Яқиндагина ҳам бу ерда хўжалик раҳбари алмаштирилди.

Хўжалик пиллачилик ҳосилоти, касаба уюшма аъзоси Озода Раҳматованинг айтишича, заҳматли ва қийин шароитдаги меҳнатларига яраша ҳақини ололмаётган пиллакорларнинг пилла боқиш мавсуми яқинлашгани сайин юраклари безиллаб турибди.

— Туманимизда ҳар йили мавсум олдидан ўтказиладиган пиллакорлар йиғини 1997 йилда ўтказилмади ҳам, — дейди О. Раҳматова, — бу йиғин анча-мунча муаммоларимизни ҳал қилиб келарди. Бу йил анъанавий пиллакорлар йиғини ўтказилар, деган умиддамиз.

Ҳа, опа ҳақ гапни айтди. Пиллакорлар масъулиятли меҳнат мавсумига киришар экан, бундай йиғин-у, конференцияларнинг вақтида ўтказиб турилишини биз ҳам мақсадга мувофиқ деб ўйлаймиз. Токи, бундай йиғинларда О. Раҳматова сингари қадоқ қўлли пиллакорлар тўпланиб қолган муаммоларни очиқ-ошкор тарзда мутасаддилар олдига қўя олишсин. Шундай қилинса, хўжалик касабақуми ожизлик қилиб турган муаммоларга ҳам барҳам берилган бўларди.

Абдуманнон АЗИМОВ,
«Ишонч» мухбири.

Дам олиш масканларида

ТОЗА ҲАВО - DAPDГA DABO

Ишонмайсизми? Унда «Мироқи» сиҳатгоҳида бўлинг!

Сиҳатгоҳнинг денгиз сатҳидан 1,5 минг гектар баландликдалиги, «Ҳисорак» сув омборининг қуйи қисмида жойлашгани қолаверса, Ҳисор тоғ тизмалари оралиғидагилиги дам олувчига ҳузур бахш этади. Бу ерда қишин-ёзин мўътадил соф ҳаво ва майин шабада эсиб туради. Яқинда санаторияда бўлиб, бу фикрларга яна тўла ишонч ҳосил қилдим... Бу маскан илгари «Қарши чўлқурилиш»га қарашли дам олиш ва ўқув жойи бўлган. Аввалига қайта таъмирланиб, кейин 100 ўринга мўлжалланган «Мироқи» санаторияси 1993 йил 25 августдан дам олувчиларни қабул қилди. 1994 йилда 1465 киши, ўтган йил эса 1681 киши дам олиб, соғлиғини тиклаб қайтганини ҳисобга олсак, дам олувчилар талаби ошиб бораётгани ёрқин кўзга ташланади. Агар бутун республикамиздаги 18 та санатория типидаги сиҳатгоҳдан бор йўғи 3 таси ўз олдига қўйган режани ошиғи билан уддалагани, шулар ичида «Мироқи» жамоаси ҳам борлигини келтирсак, сиҳатгоҳ янаям кўпроқ кишини ўзига чорлаётгани кўзга ташланади. Сиҳатгоҳ маъмурияти ўз олдига ўринлар сонини 200 кишига етказишни мақсад қилиб қўйишган. Бунинг учун имконият етарли. Бунинг учун вилоят, туман ва шаҳар ҳокимлиги озгина ёрдам қўлини чўзиб, қўллаб юборишса яхши бўларди.

Санатория ҳудудида илгари фойдаланилган, ҳозирда таъмирлашга муҳтож 3 та икки қаватли бино ва 5 та оилавий дам олувчиларга мўлжалланган коттеж бор. Улар таъмирланса, юқоридаги муаммони ечиш қийин эмас.

«Мироқи» санаторияси асосан асаб касалликларини, тананинг таянч бўғинлари, бронхитлар, астма ва хафақон касалликларининг биринчи, иккинчи босқичларини даволашга мўлжалланган. Санаторийнинг ўзига яраша муаммолари тўғрисида санатория директори Валихон ака Музаффаров шундай дейди:

-Тўғри, санатория очилишига вилоят, туман раҳбарлари катта ёрдамини аямади. Яқиндан бошлаб вилоят ҳокими шахсан эътиборини қаратди. Аммо, Шуртангаздан келганлар ҳам, вилоятдаги бошқа ишбилармонлар ҳам келиб, таъмирталаб биноларимизни ўзлари сотиб олиш масаласини кўндаланг қилиб қўй-моқда. Менимча, бу адолатдан эмас. Ахир, ҳаммомни сотиб олиб мойжувоз хонага айлантирган ёки бўлмаса, дала шийпонини арзон гаровга харид қилиб ёғочини уйига ташиган «ишбилармонлар»ни кўриб, бунга рухсат этиб бўладими?



Валихон ака ҳақ. Бу ерда физотерапия хоналари энг сўнгги тиббий жиҳозлар билан жиҳозланган. Табиий балчиқ билан даволаш, гиёҳли ванна муолажалари барчага манзур бўлмоқда. Кутубхона, жисмоний тарбия машғулотлари хонаси, савдо шаҳобчалари кишилар учун қулайлик яратади. Хуллас, талаб-истак киши хоҳишига мос. Дам олувчилар Самарқанд, Бухоро, Шаҳрисабз Шаҳарлари ва «Ҳисорак» сув омборига экскурсияларга олиб чиқилади.

Бу ерга вилоятдаги кўплаб санъаткорлар келиб дам олувчиларга табассум улашишади.

Демак, «Мироқи»нинг ҳеч бир куни шунчаки ўтмайди. Бу ерда дам олувчилар уйларига ва ишларига катта куч, олам - олам табассум, таассуротлар билан қайтади.

Э.ЭСИРГАДИЕВ.

СУРАТЛАРДА: сиҳатгоҳ фаолияти лавҳалари.

ЕВРОПАДА НИМА ЎЧУН ЯХШИ ИШ ТОПИШ ҚИЙИН?

Халқаро ҳаёт

Ҳозирги пайтда, Европа мамлакатлари ишсизлик энг кўп тарқалган жой бўлиб қолаётир. Бу эса мамлакатлар қанчалик тараққий этса, ўша мамлакат аҳолиси орасида ишсизлик иллати шунча кўп кўзга ташланади деган ўйга олиб боради. Чунки, ҳар қандай шароитда ҳам фирма ёки компания раҳбари ўз маҳсулотининг харидоргир бўлиши билан бирга, корхонани ҳам техниканинг энг сўнгги намуналари билан таъминлашга ҳаракат қилади. Корхонанинг ўта замонавий ускуналар, роботлар билан жиҳозланиб бориши ўз ўрнида корхонада хизматчилар сонининг қисқаришига олиб келади. Бу табиий ҳол.

Статистика маълумотларига кўра, кейинги пайтда Европадаги ишсизлар сони 20 миллиондан ошиб кетган. Албатта, улар ўз мамлакатларида ишсизлик нафақаси билан таъминланган. Лекин, ҳаёт талаби даражасидаги маблағни ишлаб топиш учун яхшигина ишда ишлашга не етсин. Айни пайтда Европа мамлакатларининг бирон корхонасида меҳнат қилаётган ишчи ўзини мазкур корхонада то нафақа ёшига етгунча ишлай олишга у қадар ишонмайди. Ахир, кундан-кун цивилизация пиллапояларидан илдам кўтарилиб бораётган мамлакатнинг бу корхонаси ҳам ўз меҳнатига яраша мояна талаб қиладиган «кўнгли нозик» ишчидан кўра, иш ҳақи олмайдиган ва устига устак кечаю-кундуз тиним билмай ишлаш қувватига эга бўлган роботни ишлатишни афзал кўради. Бу билан фирма маъмурияти ҳеч нарса ютқазмайди, аксинча...

Лекин, масаланинг бошқа томони ҳам бор. Ўша корхона робот бажариши лозим бўлган ишни, ишчи қўлидан олиб, унга робот бажариши мумкин бўлмаган юмушни топшириши ҳам мумкин. Аммо, аксари ҳолларда кўпгина компаниялар бундай иш тутмайди. Қолаверса, улар ҳукумат билан ҳам ҳисоблашиб ўтирмайди. Чунки, компания ўз фаолиятини ўзи белгилайди. Албатта, бу бозор иқтисодиётининг ҳеч қаерда ёзилмаган шафқатсиз қонунларидан биридир. Мамлакатнинг тараққиётга эришуви, шубҳасиз, замонавий технология ва фаннинг энг сўнгги ютуқларига асосланади. Бу асослар эса, ўз навбатида мамлакат корхоналарида меҳнат қилаётган ишчиларнинг сезиларли даражада камайишига олиб келаётир.

Европа касаба уюшмалари конфедерацияси вакилининг айтишича, ҳозир Европада ишсизликни камайтириш унча долзарб масала бўлмай қолган. Негаки кейинги пайтларда Европада аниқ амалий иш эмас қуруқ ваъзхонликлар авж олиб кетган. Албатта, бу ҳол ишсизликни бартараф қилишга ҳеч қачон ёрдам бермайди. Яхшигина иш топиш эса, бугунги кунда Европа мамлакатларида анча қийин бўлиб бормоқда.

Нима бўлганда ҳам Европада ишсизликни камайтириш учун нуфузли ташкилотлар томонидан қатор режалар ишлаб чиқилган. Хусусан, 1993 йил Брюсселда Европа Комиссияси «иш ўринлари ва рақобатбардошлилик» деб номланган дастур ишлаб чиққан. Бу дастурга кўра, Европа мамлакатларида 2000 йилга келиб 15 миллион янги иш жойини ташкил этиш мўлжалланган. Лекин, мазкур дастурни ҳаётга тадбиқ этиш осон кечмаяпти. Иқтисодиёт соҳасидаги юксалишлар ишсизлик «ҳаста»лигининг тобора ривож топишига монеълик қила олмаяпти. Кўпгина мутахассислар ишсизликнинг сабабларини ўта замонавий технологиялар пайдо бўлиб, халқ хўжалигига шиддат билан кириб келаётгани билан изоҳламоқда. Қолаверса, Европа мамлакатларида четдан борган арзон ёлланма ишчи кучлари ҳам ишсизлик муаммосини келтириб чиқарадиган омиллардан бирига айланган.

Тарих тажрибасидан маълумки, иқтисодий чўкиш ишсизлик даражасининг ошиб кетишига олиб келади, лекин, иқтисодий ўсиш пайтда ҳам шу ҳол кузатилмоқда. Мисол учун, 1970 йилдан 1992 йилгача АҚШда иқтисодий ўсиш 70 фоизни ташкил қилганда, иш ўринлари 49 фоиз кўпайган эди. Худди шу йилларда Европа Иттифоқида иқтисодий ўсиш 81 фоизгача кўтарилди, бироқ, янги иш ўринларининг пайдо бўлиши атиги 9 фоизни ташкил этди.

Европанинг энг йирик мамлакатларидан ҳисобланган Германияда ҳозир ишсизлар сони 4 миллион 800 мингни ташкил этиб турибди. Юқорида келтириб ўтганимиздек, бу давлат ҳам иқтисодий жиҳатдан яхши ривожланган, бироқ мамлакатдаги ишсизлик салмоғи ҳам анчагина.

Нима бўлганда ҳам Европа мамлакатларидаги аҳолининг моддий таъминоти анча тўкислиги билан дунёдаги бошқа мамлакатлар учун ҳавас қиларли даражада. Шунга қарамасдан бугунги кунда иқтисодиёти шиддат билан ривожланаётган Европа мамлакатлари учун ишсизлик счилиши қийин кечаётган жумбоқ бўлиб турибди.

Аброр ҚИЛИЧЕВ

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ахбороти

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 1998 йил 24 февралдан бошлаб ҳисоб ва божхона тўловлари учун хорижий валюталарнинг сумга нисбатан қуйидаги қийматини белгилади:*/

1 Австралия доллари	55,08
1 Австрия шиллинги	6,45
1 Англия фунт стерлинги	135,23
10 Бельгия франки	22,04
1 Голландия гульдени	40,24
10 Греция драхмаси	2,88
1 Дания кронаси	11,90
1 БАА дирхами	22,52
1 АҚШ доллари	82,71
1 Миср фунти	24,33
1 Ирландия фунти	112,69
1 Исландия кронаси	1,14
10 Испания песети	5,36
100 Италия лираси	4,60
1 Канада доллари	58,17
1 Хитой юани	9,99
1 Қувайт динори	270,56
100 Ливан фунти	5,41
1 Малайзия рингтити	21,54
1 Германия маркаси	45,36
1 Норвегия кронаси	10,89
1 Польша злотийси	23,23
10 Португалия эскудоси	4,43
1 Сингапур доллари	49,90
1000 Туркия лираси	0,36
1 Финляндия маркаси	14,95
1 Франция франки	13,53
1 Швеция кронаси	10,23
1 Швейцария франки	56,07
1 ЭКЮ	89,58
10 Жанубий Корея вони	0,50
10 Япония иенаси	6,43
1 Россия рубли	13,64
1 Украина гривнаси	42,01
1000 Беларусь рубли	2,55
1 Латвия лати	139,01
1 Литва лити	20,68
1 Молдова лейи	17,54
1 Қирғизистон соми	4,68

* Валюта қийматини белгилаш чоғида Узбекистон Республикаси Марказий банки мазкур валюталарни ушбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олмаган.

РЕСПУБЛИКА БИРЖАЛАРИДА

Республика Кўчмас мулк биржасида 5 та кимошди ва 5 та биржа савдолари бўлиб ўтди. Савдо жараёнида 52 та иншоотлар янги мулкдорлар қўлига ўтди. Сотув ҳажми - 7502,3 минг сўмни ташкил этди. Шу жараёнда Сирдарё вилоят бўлимида 17 та, Сурхондарё вилоят бўлимида 16 та кўчмас мулк иншоотлари сотилди. Бошланғич нархига нисбатан ўсиш Хоразм вилояти бўлимида энг юқори бўлди. Биржа бўйича ўртача ўсиш сурати- 1,08 мартани ташкил этди.

***

«Тошкент республика қимматли қоғозлар биржасида бўлиб ўтган оддий акциялар савдосида 9 та ҳиссадор жамиятлар яхши натижаларга эришдилар. Улар ўзларининг 39,8 мингта акцияларини сотиб - 8,9 миллион сўмлик маблағга эга бўлдилар. Савдо давомида энг юқори самарадорликка «Тошкент вилоят савдо» ҳиссадор жамияти эришди. Улар 2,6 миллион сўмлик оддий акцияларини сотилишига эришдилар. 19 та броккерлик идоралари унумли фаолият кўрсатдилар.

Тадбиркорлик сабоқлари

КАСАНАЧИЛАР ФАБРИКАСИ

Хўжаобод пахта тозалаш заводи раҳбарлари яхши ишга қўл уриб, янги иш жойлари барпо этдилар: корхона ҳузурида касаначилик фабрикаси ташкил этилди. 50 нафар уй бекаси, кўп болали оналар, ўрта мактаб ёки билим юртини битиргандан сўнг ишга жойлаша олмаган ўнлаб қизлар ижтимоий фойдали фаолиятга жалб этилди.

Завод директори Орифжон ҳожи Ураимовнинг гапига қараганда, фабрика ташкил этилгани туфайли завод ходимлари пахта терими бошланғичига қадар теримчилар учун 850 мингта этак ва пахта ғарамларини ёғингарчиликдан сақлаш учун тўққиз мингта қоплама тайёрлайди. Бу маҳсулотлар завод учун нисбатан арзонга тушади, чунки касаначилик фабрикаси ходимлари маҳсулот ишлаб чиқариши учун фақат хомаше ва иш ҳақи зарур, холос.

Фабрика заводнинг ўн олтинчи ишлаб чиқариш бўлинмасидир. Пахта ҳосили қайта ишлаб бўлинганидан кейин корхонага қарашли ғишт заводи, кичик нонвойхона, тегирмон ва шоли оқлаш цехи, қоғоз қоп ишлаб чиқариш цехи, бошқа бир қанча истеҳсолот, фирма, кичик корхона ва цехлар заводнинг барқарор ишлашини таъминлайди.

Шунинг учун ҳам завод ходимлари меҳнат таътилига чиқишга мажбур бўлиш нималигини билмайди. Ҳозирги пайтда 1050 кишидан ортиқ меҳнат жамоаси йил давомида тўла самарадорлик билан ишламоқда.

К.НИЗОМОВ,
ЎзА мухбири.

Сизга қандай ёрдам кўрсатишяпти?

ТРАНСПОРТЧИЛАР МАСЪУЛИЯТИ

Транспорт корхоналари тармоғини кенгайтириш, уларнинг ишлаб чиқариш техник негизини мустаҳкамлаш йўлида кўрилаётган кенг кўламли тадбирлар ҳам мамлакатимиз иқтисодиёти тараққиётида муҳим ўрин тутмоқда. Зеро, аҳолига транспорт хизматини яхши йўлга қўйиш шу кунинг долзарб масалаларидандир.

— Аҳолига транспорт хизмати кўрсатиш йўлида амалга оширилаётган саъй-ҳаракатлар туфайли барча турдаги транспорт воситалари ҳаракат таркибининг бир маромда ишлаши учун пухта замин ҳозирланмоқда, — дейди Тошкент шаҳар йўловчилар ташиш транспорт корхоналари Давлат уюшмаси бошқаруви раисининг биринчи ўринбосари **Ш. Муҳаммаджонов**. — Бу йил уюшмамиз корхоналари транспортчилари учун гоят масъулиятли йил бўлмоқда. Йил бошидан ишга енг шимариб киришилди. Корхоналарда транспорт воситаларининг техник қаровига, уларнинг соз таъмирланиб, бир маромда ҳаракатда бўлишига алоҳида эътибор берилмоқда.

Узбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1996—97-йилларда Тошкент шаҳри йўловчилар транспорти ишини мувофиқлаштириш бўйича дастури юзасидан қабул қилган қарорини амалга ошириш йўлида дурустгина ютуқлар қўлга киритилмоқда. Ана шу йўриқнома асосида мавжуд траснпорт корхоналаридан 25 фоизи давлат тасарруфидан чиқарилиб, хусусийлаштирилди. Жумладан, 23 та автосарой очиқ турдаги ҳиссадорлик жамиятига, биттаси жамоа корхонасига ва яна биттаси масъулияти чекланган жамиятга айлантирилди.

Шаҳримиздаги барча таксимотор автосаройлар тўла хусусийлаштирилди. Тармоқ корхоналарини моддий-техник жиҳатидан таъминловчи саноат ва қурилиш ташкилотларини хусусийлаштириш ишлари ҳам ниҳоясига етказилмоқда.

Утган тўққиз ой мобайнида корхоналарда 2,5 миллиард сўм атрофида иқтисодий фойда қурилди. Ҳиссадорлик жамиятлари келтирилган умумий даромади 63,6 фоизни ташкил этди. 1490 миллион нафар йўловчи ташилди.

Аҳолига транспорт хизмати кўрсатишни янада яхшилаш мақсадида қатор янги автобус йўналишлари очилди. Амир Темур ва Қўйлиқ марказ йўналишида троллейбус қатнови йўлга қўйилди. Деярли 24 километрлик масофани ташкил этган бу транспорт йўли унга яқин ҳаракат жадвалдан иборат бўлди.

Йўловчиларнинг илтимосига кўра, мавжуд 19 та йўналишда қўшимча равишда яна 11 та бекат очилди. Электр транспорти хизматини яхшилашга қаратилган тадбирлар ҳам самарали бўлмоқда. Олти километрлик масофада трамвай қатнови бошланди. 28 километрлик масофада троллейбус қатнови йўлга қўйилди.

Чет мамлакатлардан келтирилаётган янги транспорт воситалари тури ҳам бир мунча кўпайди. Уюшма, корхоналари ҳаракат таркиби 1997 йилнинг 9 ойи мобайнида олтита «Мерседес-Бенс» автобуслари, «ЛАЗ—695» русумли автобуслар билан таъминланди. «Татра» трамвайлари ва «Шкода» троллейбуслари сони ҳам ортди. Ҳозир бу хил замонавий машиналар асосан Юнусобод, Сиргали, Қўйлиқ ва Қорақамиш турар-жой даҳалари аҳолисига хизмат кўрсатмоқда.

1998 йили яна 30 та «Татра» трамвайлари, 40 та «Шкода» троллейбуслари келтириладиган бўлди. Шунингдек, «Мерседес-Бенс» фирмаси 250 та автобус ва 200 та микроавтобусларни етказиб беради.

Бундан ташқари, уюшма транспортчилари Жиззах шаҳрида 10 километрлик масофадаги троллейбус йўналишини бунёд этдилар. Хива шаҳрининг 2500 йиллик байрами арафасида эса Хива-Урганч шаҳарлари оралиғида янги троллейбус йўналиши очилди.

Акбар АЛИЕВ.

Хужалик судлари ва ижтимоий ҳимоя

МАНФААТЛАР ТЕНГ ҲИМОЯ ҚИЛИНИШИ КЕРАК

Меҳнат жамоалари бир маромда ишлашини таъминлашда буюртмачилар билан иқтисодий муносабатларнинг ҳалол ва самарали бўлиши муҳим аҳамиятга эга. Ишлаб чиқарувчи билан буюртмачи ўртасида тузиладиган контракт (шартнома)лар улар ўртасидаги адолатли муносабатнинг ҳуқуқий асоси ҳисобланади.

Бироқ ҳаётда шу шартномалар ҳуқуқий жиҳатдан мукаммал тузилмаслиги, баъзан эса, атайлаб бир томон манфаатлари устун қилиб қўйилиши оқибатида кўпинча ишлаб чиқарувчилар азият чекадиган ҳоллар кўпроқ учрайди. Шундай ҳолларда корхона ва хўжаликлар хўжалик судларига низо аризалари билан мурожаат этадилар. Табиийки, мазкур судлар фаолиятининг таъсирчанлиги умуман халқ хўжалиги ривожида муҳим рол ўйнайди.

Яқинда Олий хўжалик суди қарорларининг ижросини таъминлаш бўйича мувофиқлаштирувчи кенгаш йиғилиши ўтказилди. Кенгашда Қорақалпоғистон республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар хўжалик судларининг раислари, судьялари, жойлардаги прокуратура ва солиқ органлари, банк муассасалари, республика Кучмас мулк биржасининг раҳбарлари ҳамда масъул ходимлари иштирок этишди. Биз мазкур кенгаш қатнашчилари билан мулоқотда бўлиб, хўжалик судлари қарорларининг бажарилишини таъминлаш борасида олиб борилаётган ишлар ва муаммолар хусусида суҳбатлашдик.

Валижон ҚОСИМОВ, Олий хўжалик суди бошқармаси бошлиғи:

- Статистик маълумотларни тўплаш, тарғибот ишларини амалга оширишни таъминлаш масаласида Олий хўжалик суди қошида ташкилий бошқарма тузилди. Хўжалик судларига келиб тушаётган низо аризаларининг келиб чиқиш сабабларини ўрганиш шуни кўрсатмоқдаки, айрим ҳолларда шартномаларни тузишда қонун талабларидан келиб чиқмаслик, шартномаларда мажбуриятларни аниқ кўрсатмаслик, умуман топшириш муддати ва ҳақ тўлаш вақти, маҳсулотнинг сифати кўрсатилмаган тарзда шартномалар тузиш ҳоллари кўп учрайди. Айрим ҳолларда маҳсулот топширувчиларнинг ҳуқуқ ва бурчларини камситувчи шартномалар тузилаётганлигининг ҳам гувоҳи бўлдик. Жумладан, Наманган вилояти Косонсой тумани хўжаликлари билан «Намангангўшт» уюшмаси ўртасида тузилган шартномалар хўжаликларнинг манфаатларига зид тарзда тузилганлиги ҳам бунга мисол бўла олади. Маҳсулот қабул қилиб олувчи корхона ўз вақтида ҳақини тўламагани учун 5 фоиз миқдорида жарима тўлаши белгиланган бўлса, маҳсулот топширувчи корхоналар эса 25 фоиз жарима тўлаши кераклиги қайд этилган. Бу каби шартномалар маҳсулот топширувчи томоннинг ҳақ-ҳуқуқларини камситиш ёки уларнинг келгуси фаолиятлари ва ташаббускорликларини сусайтиришга олиб келади. Уларнинг манфаатларини ҳимоя қилиш борасида бизда бир қанча муаммолар ҳам тўғиляпти. Масалан, республика Сув ва Қишлоқ хўжалиги вазирлиги тизимига киритилган корхоналардан келиб тушган низо аризалари таҳлил этилганда, жуда кўп шартномалар давлат талабларига зид ҳолда тузилганлиги аниқланди. Шу корхоналардан келиб тушган мингга яқин низо аризалари юзасидан хўжалик судлари уларнинг манфаатларини ҳимоя қилган ҳолда қарорлар қабул қилди. Бу каби шартномаларнинг имзоланиши республикамизнинг пахта саноати тизимидаги корхоналарда, техникаларни таъмирлаш ва тузатиш йўналишидаги ва шу каби корхоналарда тез-тез содир этилаётганлигининг гувоҳи бўляпмиз.

Республикамизнинг хўжалик судлари ўтган 1997 йил давомида ўн бир мингдан ортиқ низоли ишларни кўриб чиқиб, ҳал қилди.

Д.ОЛИМОВ, «Лазер» фирмаси бошлиғи:

— Бизнинг «Лазер» фирмамиз Хоразмнинг «Машъал» фирмасига шартнома асосида ўн вагон цемент етказиб берганмиз. Энди шартномага асосан «Машъал» фирмаси ўн кун ичида ҳисоб-китобни якунлашлари керак эди. Лекин орадан 4 ой ўтса ҳам бу масала пайсалга солинаверди. Кейин биз Олий хўжалик судига мурожаат этишга мажбур бўлдик. Олий хўжалик суди бу ишни ўрганиб чиқиб, масалани адолатли тарзда бизнинг фойдамизга ҳал қилиб берди. Олий хўжалик судининг қарори асосида 872 минг сўм банк томонидан ундириб берилди.

Хўжалик судлари мулкчилик шакли турли бўлган корхона, муассаса ва ташкилотлар ўртасидаги шартнома шартларини тегишли тарзда бажармаганлиги учун келиб чиққан низоларни судда шу тариқа ҳал қилиб бермоқда.

Суд низоли иш юзасидан қарор чиқаргач, ижро бўйруғи тайёрланиб, жавобгарга хизмат кўрсатувчи банк муассасасига юборилади. Ижро бўйруғини олган банк муассасаси жавобгарнинг ҳисоб рақамидан тегишли миқдордаги пулни даъвогарнинг банк ҳисоб рақамига ўтказиши керак. Бироқ, баъзи бир сабабларга кўра ана шу бўйруқлар бажарилмай қолиш ҳоллари ҳам мавжуд.

Йўлдошали ЖУРАЕВ, «Пахтабанк» бошқармаси раиси муовини:

- 1998 йилнинг 1 январидан бошлаб хўжалик судлари қарорларининг ижросини назорат қилиш «Пахтабанк»ка юклатилди. Бу иш қандай амалга оширилади? Хўжалик судларининг қарорларини бажариш «Пахтабанк» барча тизимларининг алоҳида назоратида бўлиб, декабрь ойида вилоятлар ва туманлар бўйича масъул шахслар, бош муҳосиблар ҳамда банкимизнинг юридик хизматдаги масъул кишилари билан биргаликда семинарлар ташкил этдик. Бундан ташқари, биз «Пахтабанк»нинг томонидан қарорларни бажариш бўйича алоҳида бир тартиб ишлаб чиқдик. Мазкур тартиб - дастур бўйича Хўжалик судининг қарорлари чиққандан сўнг, айтиб ўтганингиздек, жавобгарнинг ҳисоб рақамидан даъвогарнинг ҳисоб рақамига тегишли пул ўтказилади. Мабодо қарздор ташкилотнинг ҳисоб рақамида жамғарма пули бўлмаган тақдирда ўша вақтнинг ўзида қарздор ташкилотнинг банкига бизнинг «Пахтабанк» хабар беради. Энди даъвогар ташкилот қарздор ташкилотнинг мулкига қарата даъво қилиб ҳисоблашиши мумкин. Хўжалик судининг бундай қарори алоҳида картотекага олиниб, тартиб бўйича ижро бажарилади. Чиқарилган қарорларнинг ижросини бажаришдан бош тортган томонлар жиноий жавобгарликка тортилади.

Хуршид СУБҲОНҚУЛОВ, Узбекистон Республикаси прокуратураси бўлим бошлиғи:

- Ўтган йил сентябрь, октябрь ойларида қарорларнинг бажарилиши жойларга бориб текширилди ва қарорларнинг ижроси механизмининг ишлаш жараёни ўрганилди. Натижалар шуни кўрсатдики, суд, солиқ, банк фармонларида буйруқ ва инкассация топшириқномалари кирим-чиқимларини қайд этиб борилишининг ягона марказлаштирилган тизими ташкил этилмаган. Солиқ ва банк ўртасида ҳамкорлик йўқлиги ва таққослаш даромадларининг тузилмаганлиги аниқланди. «Тадбиркорбанк», «Пахтабанк», «Уй-жойжамғармабанк»ининг Фарғона вилоят филиаллари, «Пахтабанк» Андижон вилоят бўлими, «Турон» ҳиссадорлик тижорат банкининг Самарқанд бўлими, «Уй-жойқурилишбанк»и Урганч шаҳар бўлими, «Тадбиркорбанк» Жиззах вилоят бўлимида ўтказилган текширишлар шуни кўрсатдики, суд қарорларининг ижроси йўқлигидан жавобгарларнинг хизмат кўрсатувчи банкларида инкассация топшириқномалари ўз вақтида юборилмаган, ҳисоб-китоб умуман қилинмаган, жавобгар ташкилотларнинг ҳисоб рақамларида пул йўқлиги тўғрисидаги хабарномалар ўз вақтида суд ва солиқ органларига жўнатилмаган. Айрим ҳолларда хўжжатлар бу органларда йўқолиб кетган. Бу эса асосий фактларнинг атайлаб нотўғри кўрсатиб келинганлигининг оқибатидир.

Масалан, Шаҳрихон бош пиллахонасидан 17 минг 538 сўм давлат божлари ундириш тўғрисидаги суднинг буйруғи 1997 йилнинг 17 майида «Пахтабанк» Андижон шаҳар бўлими томонидан ижро учун қабул қилинган. Лекин бу буйруқ ва инкассация топшириқномаси бошқа буйруқлар қатори ҳеч қаерда қайд этилмаган. Жавобгарга хизмат кўрсатувчи «Пахтабанк»нинг Шаҳрихон туман бўлимига қачон келиб тушганлиги тўғрисида ҳеч қандай қайд этилган маълумот йўқ. Солиқ томонидан берилган жавобгар ташкилотнинг мол-мулки билан ҳисоблашиш тўғрисидаги суд қарорларининг ижроси ҳам қониқарсиз аҳволда. Қарорлар буйича хатланган молмулкларнинг қанчаси сотилганлиги ва уларнинг қанча қисми республика бюджетига, қанча миқдори судларнинг ривожланиш фондига ўтказилганлиги тўғрисида ҳам ҳеч қандай аниқлик йўқ. Андижон, Фарғона, Самарқанд ва Жиззах вилояти солиқ идоралари томонидан қарорларнинг фақат солиқ идораларига тегишли қисми бажарилиб, бож ундиришга тегишли қисми буйича эса нотўғри иш юритилган.

Суд қарорлари ижросини таъминлаш ҳуқуқий-демократик давлатнинг энг муҳим асосларидандир. Омманинг суд ҳокимиятига бўлган ишончини мустаҳкамлаш бугунги кунинг долзарб масалаларидан бири.

Маҳбуба ҲАЙИТОВА,
«Ишонч» муҳбири.

Мозийга назар

«ҲАҚИҚАТ» МУҲРИ

Соҳибқирон Амир Темур давлати ҳалигача дунёни ҳайратга солиб келмоқда. Бундай юксак қудратга эришиш ўз-ўзидан бўлмаган, албатта. Бу кўп жиҳатдан шу давлатда ўрнатилган ҳуқуқ ва қонунчилик тартиблари билан боғлиқдир. Машҳур тарихчи олимлар таъкидлаганидек, Темур давлати аниқ ва мукаммал қонунчилик тизимига эга бўлган.

Зеро, қонунчиликсиз бундай улкан ва машҳур давлатнинг кўп йиллар давомида бошқарилиши мумкин эмасди. «Куч адолатдадир» шиори ҳам шундан далолат беради.

Амир Темур турмуш тажрибалари асосида ишлаб чиққан ва унинг ҳукми билан қонун даражасига кўтарилган қоидалар мавжуд эдики, уларни тўплам ҳолига келтириб, қонунлар ва маслаҳатлар тарзида қолдириш лозим эди. Шу тарзда «Темур тузуклари» асари юзага келган.

Тузуклар XIY асрнинг иккинчи ярмига оид ижтимоий-сиёсий воқеаларни ўрганишда Темур салтанати, унинг давлат тизими, бошқарилиши, суд қурилишига оид муҳим қоидалар ва маълумотларни ўзида акс эттирган тарихий ҳужжатдир. Тузукларда давлатни бошқаришдаги йўл-йўриқлар, қоидалар, уғирлик, талон-тарож қилиш ва бошқа жиноятлар содир этилган ҳолларда қўлланилган жазо чоралари айтиб ўтилган. Катта ва маҳаллий бошлиқлар ўз жиноятларига яраша жарима тўлаш билан жазоланганлар. Фисқу-фасодчи, аҳлоқан бузуқ ва нафси ёмон кишилар мамлакатдан бадарга қилиниб, қувилганлар.

Суд ишларига келсак, шариатга оид ишларни Ислом қозиси, дунёвий ишларда ва одат ҳуқуқларидан келиб чиқадиган жиноят ишларини Аҳдос қозиси, сипоҳий, аскарлар орасидаги низоларни Қози аскар ўрганиб ҳал қилган. Суд жараёнларидан кейин барча қозилар ҳукм чиқарганлар. Уч ёки тўрт кишидан иборат суд амалдорлари муҳр қўйгач, қарор ёзилган ёрлиқ ўртасида Амир Темурнинг муҳри босилган. Бу муҳрга «Ҳақиқат» деб ёзилган бўлиб, ўртасида уч рамзий белгиси бўлган. Ҳукм ёки қарор дарҳол ижро этилган.

Зиёдилла МУҚИМОВ,
ҳуқуқшунослик фанлари номзоди.

ТАРАҚҚИЁТНИНГ ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИГА БАҒИШЛАНДИ

Республика ҳуқуқий маърифат тарғиботи Марказида «Қишлоқ хўжалигида ислоҳотларни чуқурлаштиришнинг ҳуқуқий асослари» мавзуида илмий-амалий семинар бўлиб ўтди.

Семинарнинг асосий мазмуни бозор муносабатлари шароитида қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини кескин ривожлантиришнинг ҳуқуқий асослари бўлган қонунлар лойиҳаларининг моҳиятини очиб бериш, уларни кенг тарғиб этиш масалаларига қаратилди.

Узбекистон Республикаси Ер Кодекси «Қишлоқ хўжалиги кооперативи (ширкат хўжалиги) тўғрисида», «Деҳқон хўжалиги тўғрисида», «Фермер хўжалиги тўғрисида»ги қонун лойиҳаларининг мазмун-моҳияти жиҳатидан ғоят муҳим бўлиб, уларнинг қабул қилиниши ва ҳаётга тадбиқ этилиши жамиятимиз тараққиётига муҳим ҳисса бўлиб қўшилганлиги маърузачилар томонидан аниқ мисоллар билан тушунтириб берилди.

Тошкент давлат Юридик институти ректори, юридик фанлари доктори Ҳ.Бобоев бошқарган мазкур семинар қизиқарли мунозара-баҳс шаклида олиб борилиб, кўплаб фойдали фикрлар, таклифлар ўртага ташланди.

«Қишлоқ хўжалиги ислоҳотларини амалга оширишда ҳуқуқий маданиятнинг роли» хусусида профессор З.Исломов, «Узбекистон Республикаси Ер Кодекси лойиҳаси ва ердан самарали фойдаланиш муаммолари» мавзуида доцент У.Бозоров, «Аграр муносабатларни ислоҳ қилишни чуқурлаштириш муаммолари» тўғрисида профессор Н.Бекнозов, «Деҳқон фермер хўжалиги ва шартнома муносабатлари» ҳақида юридик фанлари доктори Б.Ибратов, «Қишлоқ хўжалигида кооператив (ширкат хўжалиги) тўғрисида Қонун лойиҳаси» ўқарҳи хусусида юридик фанлари доктори М.Усмонов ҳамда «Ер Кодекси лойиҳаси: мулоҳаза ва таклиф» мавзуида юридик фанлари номзоди Ш.Файзиев сўзга чиқди.

Дилноза РАҲМАТОВА.

Оила ва ҳуқуқ

Сурхондарё вилояти ҳокимлигида ана шу мавзуда семинар ўтказилди. Унда вилоят шаҳар ва туман ҳокимларининг ўринбосарлари, хотин-қизлар қўмиталари раислари, ҳуқуқ-тартибот идоралари ва қасаба уюшмалари раҳбарлари, жамоатчилик вакиллари қатнашди.

Семинарда мамлакатимизда оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, соғлом авлодни тарбиялаш, хотин-қизлар маданий ва ҳуқуқий савиясини юксалтириш бўйича муҳим ишлар амалга оширилаётгани таъкидланди. 1998 йил Оила йили деб эълон қилингани бунинг яна бир яққол далилидир. Сўзга чиққанлар оила ва аёллар манфаатларини таъминлаш, уларнинг ижтимоий шароитини тобора яхшилаш, хотин-қизларнинг жамоат ишларида фаол қатнашиши учун зарур шарт-шароит яратиш борасида фикр-мулоҳазалар билдирди.

Вилоят ҳокими Ж.Норалиев семинарда сўзга чиқди.

Ч.ТУХТАЕВ,
ЎзА мухбири.

Ҳуқуқшунос ҳузурида

ДАМ ОЛИШ ВАҚТИ

Дам олиш вақти деганда меҳнат қонунида ишдан ташқари жамики бўш вақт тушунилади. Ундан ҳар бир киши ўз хоҳишига кўра фойдаланиши мумкин.

Бўш вақтни иш вақтидан ажратиб олган ҳолда кўриб чиқиш мумкин эмас. Улар ўзаро бевосита дахлдордир. Шунинг учун фақат иш вақтининг ўзи эмас, балки дам олиш вақти ҳам қонун йўли билан тартибга солинади.

Дам олиш вақтининг турлари, уларнинг давомийлиги ва уларни бериш тартиби қонунда белгилаб қўйилган. Улар ҳар кунги дам олиш, дам олиш ва овқатланиш учун танаффуслар, дам олиш кунлари, байрам кунлари, ҳар йили бериладиган таътиллардан иборат.

Кундалик дам олиш бир кунлик иш вақти тугаганидан кейин эртасига иш бошланадиган вақтгача бўлган оралиқ даврдаги муддатни ўз ичига олади. Бу турдаги дам олишнинг муайян давомийлиги кундалик ишнинг давомийлигига, унинг бошланиш ва тугаш вақтига боғлиқ бўлиб, Узбекистон Республикаси Меҳнат Кодексининг 128-моддасига биноан ўн икки соатдан кам бўлмаслиги керак.

Барча ҳолатларда кундалик иш вақтининг бошланиш ва тугаш пайти Ички меҳнат тартиботи қоидалари билан белгиланади. Бу ҳужжат иш берувчи томонидан касаба қўмитаси ёхуд ходимларнинг бошқа ваколатли органи билан келишган ҳолда тасдиқланади.

Иш вақти мобайнида дам олиш ва овқатланиш учун танаффус қоида тариқасида, иш бошланганидан тўрт соатдан кейин берилади.

Танаффус вақти ва унинг давомийлиги Ички меҳнат тартиботи қоидаларида, сменалар графигида ёки ходим билан иш берувчининг келишувига биноан белгиланади. Бу вақт ишчи ҳисобига ўтмайди ва унинг учун ҳақ тўланмайди. Танаффус пайтида ходимлар иш жойларидан кетишлари ҳам мумкин.

Ишлаб чиқариш шароитларига кўра танаффус белгилашнинг иложи бўлмаган ишларда иш берувчи ходимлар учун иш вақтида овқатланиб олиш имконини яратиб бериши керак. Бундай ишларнинг рўйхати, овқатланиш қоидаларида кўзда тутилади. Бундай ишларда смена мобайнидаги жамики вақт иш вақти ҳисобланади.

Меҳнат тўғрисидаги қонун икки ёшгача фарзанди бўлган аёллар учун дам олиш ва овқатланишга махсус қўшимча танаффусни кўзда тутади. Меҳнат Кодексининг 236-моддасига мувофиқ ҳар уч соатда камида 30 минутдан шундай танаффус берилади. Фарзандлар иккита ёки ундан ортиқ бўлган тақдирда бундай танаффус муддати камида бир соат бўлади.

Болани овқатлантириш учун берилган танаффус иш вақтига қўшилади ва ўртача ойлик маошга мутаносиб ҳақ тўланади. Аёлнинг хоҳишига кўра, фарзандни овқатлантириш учун бериладиган танаффус ходимнинг дам олиш ва овқатланиш вақтига қўшиб юборилиши ёхуд жамланган ҳолда иш вақти тегишлича қисқартирилган ҳолда иш куни (иш сменаси) бошланадиган ёки тугайдиган пайтга кўчирилиши мумкин.

Бу танаффусларнинг муайян давомийлиги ва уларни бериш тартиби жамоа шартномасида, бундай шартнома тузилмаган бўлса, иш берувчи билан касаба қўмитаси ёхуд ходимларнинг бошқа ваколатли органи ўртасидаги келишув бўйича белгиланади.

Ходимлар ҳар ҳафтада қонунда дам олиш кунлари деб аталувчи дам олиш ҳуқуқига эгадирлар. Бундай кунларнинг миқдори ва ҳафталик дам олишнинг давомийлиги иш ҳафтасининг тури ва иш тартибига боғлиқ.

Беш кунлик иш ҳафтасида ходимларга ҳафтада икки дам олиш куни, олти кунлик иш ҳафтасида эса - бир дам олиш куни берилади.

Якшанба умумий дам олиш куни ҳисобланади. Меҳнат Кодексининг 130-моддасига биноан дам олиш кунлари ишлаш қоида тариқасида тақиқланади. Шу билан бирга Қонун айрим ҳолларни кўзда тутадики, унда ходимларни дам олиш кунлари ишга жалб қилиш иш берувчининг фармойишига кўра жамоа шартномасида белгиланган. Агар бундай шартнома тузилмаган бўлса - иш берувчи касаба қўмитаси ёхуд ходимларнинг бошқа ваколатли органи билан келишган ҳолда белгилайдиган асослар ва тартибда амалга оширилади.

Ходимларни дам олиш кунлари ишга жалб қилиш иш берувчининг ёзма буйруғи (фармойиши)га биноан амалга оширилади. Буйруқда ходимларни дам олиш кунлари ишга жалб қилиш ва икки баробардан кам бўлмаган миқдорда ҳақ тўлаш асосланади. Дам олиш кунлари ишлаганлик учун ҳақнинг аниқ ҳажмлари жамоа шартномасида, агар у тузилмаган бўлса - иш берувчи билан касаба қўмитаси ёхуд ходимларнинг бошқа ваколатли органи ўртасидаги келишувга мувофиқ белгилаб қўйилади.

Ходимнинг хоҳишига кўра, дам олиш кунидаги иш бошқа дам олиш куни берилиши билан қопланиши мумкин. Бундай ҳолларда дам олиш кунидаги иш учун бир баробардан кам бўлмаган ҳақ тўланади.

Қонун ҳомиладор аёлларни ва ўн тўрт ёшгача фарзанди (ун олти ёшгача ногирон боласи) бўлган аёлларни, шунингдек, ногиронларни уларнинг розилигисиз дам олиш кунлари ишлашга жалб этишни тақиқлайди.

Ун саккиз ёшдан кичик шахсларни ҳам дам олиш кунлари ишлашга жалб этиш тақиқланади.

Узбекистон Республикаси Меҳнат Кодексининг 238-моддасига биноан оналик муносабати билан аёлларга бериладиган кафолат ва имтиёзлар, шу жумладан, дам олиш кунлари ишга жалб қилиш ва командировкаларга жўнатишнинг қонун йўли билан чекланиши фарзандларни онасиз (у вафот этган тақдирда, оналик ҳуқуқидан маҳрум этилганида, узоқ муддат даволаш муассасаларида бўлганида ва болалар тўғрисида она гамхўрлиги бўлмаган бошқа ҳолларда) тарбиялаётган оталарга, шунингдек, балоғат ёшига етмаган болаларнинг васийларига ҳам тегишлидир.

Бу имтиёзлар ва кафолатлар ота-она васийлигидан маҳрум бўлиб қолган болаларни амалда тарбиялаётган буви, бува ёки бошқа қариндош-уруғларга ҳам тегишлидир.

Ун олти ёшгача бўлган ногирон болани тарбиялаётган ота-оналарнинг бирига (васийга) давлат ижтимоий-сўғуртаси маблағлари ҳисобидан ойда бир марта қўшимча равишда кундузги ўртача маош миқдорида ҳақ тўланадиган бир дам олиш кунида берилади (УР МКнинг 230-моддаси).

Байрам кунлари ҳам дам олиш кунлари ҳисобланади.

Ишлаб чиқариш-техникавий ва бошқа шарт-шароитлар (узлуксиз ишловчи корхоналар, иншоотларни муҳофазалаш, уларнинг хавфсизлигини таъминлаш) туфайли тўхтатиш мумкин бўлмаган ишлар, аҳолига хизмат кўрсатиш билан боғлиқ, шунингдек, кечиктириб бўлмайдиган сўзлаш ва юкларни ортиш-тушириш ишларини, байрам кунлари ҳам бажаришга йўл қўйилади.

Бундай корхоналарда байрам куни ишлаш одатдаги иш жараёни ҳисобланади, ишлар ойлик иш вақти меъёри доирасида график бўйича давом этаверади, яъни байрам кунидаги иш ҳам ойлик меъёрга қўшиб ҳисобланади.

Бироқ, байрам кунларидаги иш учун икки баробаридан кам бўлмаган миқдорда ҳақ тўланади.

Агар байрам кунларидаги иш ойлик иш вақти меъёридан ортиқча бажарилса, у ҳолда ходимнинг хоҳиши бўйича бошқа дам олиш куни берилади. Бу ҳолда дам олиш куни бажарилган иш учун одатдагидек миқдорда ҳақ тўланади, лекин дам олиш куни учун иш ҳақи сақланиб қолади, яъни амалда байрам куни бажарилган ишга икки баробар ҳақ тўланади.

Н.ЕФИМОВА,
Ўзбекистон Касаба уюшмалари Федерацияси кенгашининг меҳнат ҳуқуқи нозири.

(Давоми бор)

Абулқосим Пардаев Самарқанд шаҳар ички ишлар бошқармаси ДАН бўлимида ишлаб келмоқда. У бу ерда техника назорат бўлимига бошчилик қиляпти. Шахсий ва давлат транспортлари техника кўригини тез ва соз ўтказишга ҳаракат қилаётир.

Суратда: (чапдан) А.Пардаев, ҳайдовчи О.Оллоёровнинг машинасини кўздан кечирмоқда.

Н.АЛМУРОДОВ олган сурат.

Саволларга ҳуқуқшунос Карим МУХТОРОВ жавоб беради

- Бир муассасада 14 йилдан буён бир лавозимда ишлайман. Вазифам, меҳнат шароитимда ҳеч қандай ўзгариш йўқ. Лекин яқинда раҳбаримиз ходимларни йиғиб, барчангиз билан ёзма равишда бир йилга меҳнат шартномаси тузамиз, деди. Агар шундай қилинса бир йилдан сўнг бизни ишдан бўшатиши ҳам мумкинми?

О.Набиев,
Бухоро шаҳри.

- Ишга қабул қилинаётган ходимлар билан ёзма равишда меҳнат шартномаси тузиш тартиби Узбекистон Республикасининг 1993 йил 2 сентябрдаги «Узбекистон Республикаси меҳнат ҳақидаги қонунлар мажмуасига ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги Қонунга мувофиқ ўрнатилган бўлиб, бу қонун 1993 йил 3 декабрдан амалга киритилган. Шунинг учун бу қоида бунга қадар тузилган меҳнат шартномаларига тааллуқли эмас. Ёзма равишдаги меҳнат шартномалари 1993 йил 3 декабрга қадар ишга қабул қилинганлар билан уларнинг розилигига асосан тузилади.

Шу сабабли, Сиз бир муассасада бир лавозимнинг ўзида 14 йилдан буён ишлар экансиз, фақат сизнинг розилигингиз билангина ёзма равишдаги меҳнат шартномаси тузилади. Агар ёзма равишдаги меҳнат шартномаси бир йилга тузилса, бир йил ўтгандан сўнг иш берувчи янги муддатга меҳнат шартномаси тузиши ҳам мумкин ёки Узбекистон Республикаси меҳнат Кодексининг 97-моддасининг 3-банди ва 105-моддасига мувофиқ муддатнинг тугаши муносабати билан меҳнат шартномасини бекор қилиши ҳам мумкин.

***

— Менга 1997 йил 30 декабрдан 1998 йил 30 январгача вақтинча меҳнатга қобилиятсизлик варақаси очилган эди. Ишга чиқсам, сен 1998 йил 4 январдан ўз меҳнат вазифангни бир марта қўпол равишда бузганлигинг учун Узбекистон Меҳнат Кодексининг 100-моддаси 2-қисмининг 4-банди билан ишдан бўшатилгансан, деди раҳбаримиз. Шу тўғрими?

Д.Мусаева,
Тошкент шаҳри.

- Иш берувчи ходимга интизомий жазо қўллашдан олдин Узбекистон Меҳнат Кодексининг 182-моддасига мувофиқ биринчи навбатда ундан тушунтириш хати талаб қилиши керак. Шу Кодекснинг 100-моддаси 3-қисмига асосан ходим вақтинча меҳнатга қобилиятсизлик даврида ва таътилларда бўлган даврида иш берувчининг ташаббуси билан меҳнат шартномасини бекор қилинишига йўл қўйилмайди.

Шундай экан, Сиз ўз лавозимингизга қайта тикланишингизни ва мажбурий бекор юрган кунларингизга ўртача иш ҳақингиз миқдорида ҳақ ундириб беришни сўраб судга мурожаат қилишга ҳақлисиз.

***

- Таътиллар жадвали бўйича 1998 йилнинг май ойида таътилга чиқишим керак. Мен 25 майдан таътилга чиқиб кетсам бўладими?

Д.Сафарова,
Самарқанд шаҳри.

- Сизга таътил бериш жадвал бўйича 1998 йилнинг май ойи, деб белгиланган экан, Узбекистон Меҳнат Кодексининг 144-моддасига мувофиқ Сиз таътил бошланишидан камида ўн беш кун олдин хабардор қилишингиз керак ва ундан кейингина буйруқ чиқарилади. Шу қоидаларга риоя қилмасдан Сиз ўзингизча таътилга чиқиб кетсангиз, прогул қилган ҳисобланасиз ва Сизга иш берувчи томонидан интизомий жазо чораси қўлланиши мумкин.

Агарда 1998 йилнинг 1 июнь ойи кунигача Сизга меҳнат таътили берилмаса, касаба уюшма қўмиталарига, прокурорга, судга мурожаат қилишингиз мумкин ва меҳнат таътилидан ўз вақтида фойдаланишингизга улар албатта ёрдам беришади.

***

- Бир ходимимиз юқори ташкилотга сохта маълумотларни кўрсатиб ариза ёзган. Бу аризани текширишга ходимлар жалб қилинди, лекин тасдиқланмади. Ана шу ходимдан текшириш учун кетган харажатларни ундириб олиш мумкинми?

Р.Раҳматов,
Жиззах вилояти.

- Узбекистон Республикасининг 1994 йил 6 майдаги «Фуқароларнинг мурожаатлари тўғрисида»ги Қонунига асосан фуқаронинг сохта маълумотларни кўрсатиб ёзган аризасини текшириш учун кетган барча харажатларни ундириш юзасидан корхона, муассаса, ташкилот суда мурожаат қилиши ва суднинг қарори асосида ундан ундириб олиши мумкин.

***

- Ишдан бўшаганлигим туфайли ўриндошлик асосида ишлаётган муассаса раҳбари номига фойдаланмаган таътиллар учун пуллик компенсация тўлашни сўраб ариза ёзган эдим, лекин рад жавобини олдим...

А.Ниёзова,
Сирдарё вилояти.

- Узбекистон Меҳнат Кодексининг 143- ва 151-моддалари талабларига асосан ўриндошлик асосида ишлаётган ходимларга меҳнат таътили уларнинг асосий иш жойидан берилган таътил билан бир вақтда берилади ва ўриндошлик асосида ишлаган вақти учунгина ҳақ тўланади.

Агар меҳнат шартномаси бекор қилинса, унга барча фойдаланилмаган меҳнат таътиллари учун пуллик компенсация тўланади.

Шу сабабли фойдаланилмаган таътиллар учун пуллик компенсация тўлашни рад қилган раҳбар ҳақли эмас.

***

- Мен 1988 йил 1 ноябрдан 1997 йил 18 декабргача узлуксиз шофёр бўлиб ишлаб, 1996 йилда 115 сўмдан, 1997 йилда 5570 сўмдан ойлик маош олганман, 1992-97 йиллар давомида меҳнат таътилида бўлмаганман. 1997 йил 18 декабрдан ишдан бўшадим. 1996-1997 йиллар учун олмаган иш ҳақимни ва 1992-97 йиллар учун таътилларга компенсация олишим мумкинми?

А.Аҳмедов,
Навоий вилояти.

- Узбекистон Меҳнат Кодексининг 153-, 154-, 161-моддаларига мувофиқ иш берувчи ўзининг молиявий ҳолатидан қатъий назар ходимга бажарган иши учун ҳақни белгиланган меҳнат ҳақи шартларига мувофиқ ўз муддатида тўлаши шарт.

Ишдан бўшаган экансиз. 1992-97 йилларда ишлаган вақтингиз учун Меҳнат Кодексининг 151-моддасига мувофиқ фойдаланмаган барча йиллик таътилларингиз учун пуллик компенсация олиш ҳуқуқига эгасиз.

***

- Мени меҳнат таътилидан ишга чақириб олишди. Шу тўғрими?

К.Салимов,
Ангрен шаҳри.

- Меҳнат таътилидан чақириб олиш фақат ходимнинг розилиги билангина амалга оширилади. Ходимни таътилдан ишга чақириб олиш тўғрисида буйруқ чиқарилсаю, лекин ходим бунга рози бўлмай ишга чиқмаса, бу ходимга интизомий жазо қўллашга асос бўла олмайди.

Ходим фойдаланмаган таътил кунлари шу йил давомида берилиши керак ёки кейинги йил таътилига албатта қўшиб берилиши керак.

Маънавият

ҚАДРИЯТЛАРИМИЗНИНГ ТАРИХИЙ ИЛДИЗЛАРИ

(Давоми. Боши ўтган сонда)

Халқимизнинг энг қадимги ёзув ёдгорликларида ҳам миллий-маънавий қадриятларга эътибор, уни эъзозлаш анча кучли. Бизга қадар сақланиб қолган Суғд, Урхун-Энасой, «Авесто» каби ёзма ёдгорликлардаги далиллар ана шу мулоҳазаларни тасдиқлайди. Масалан, «Урхун-Энасой» ёзув ёдгорлигида туркий халқлар миллий қадрият (VII аср) ларининг кўп томонлари ўз ифодасини топган. Дастлаб шуни таъкидлаш керакки, Урхун-Энасой соҳилларида, кейинчалик турк оламининг турли минтақасида топилган бу ёзувда туркий элатларнинг бирлигини таъминлаш ва хоқонликни мустаҳкамлашга чорлаш етакчи мулоҳазалардан ҳисобланади. Қултегин 12 яшарлигидан бутун умрини илм ўрганиш, ҳунар эгаллаш, ҳарбий машқларда чиниқишга йўналтириб камолатга етгач эса, эл-юрт ҳимояси йўлида жасорат, фидойилик кўрсатишга сарфлаган. Ёзувда «Қултегин иним вафот этган булса ҳам у қилган яхшиликлари билан эл тилида, дилида абадий сақланади, унинг ҳаёт йули кейинги авлодларга бир ибратдир» деган кишини тулқинлантирадиган сатрлар мавжуд. Тунгю Кўк битикларида эса билим ўрганишга, давлатни илм асосига қурилган қонун билан бошқаришга, ҳамиша фуқарога нисбатан адолатга риоя қилиш сингари доим ва ҳамма замонларда долзарб булган масалалар уқтирилган. Ёзувда туркий қавмларнинг турмуш тарзи, ашёлар номи, улчов бирликлари, ҳарбий усул ва услублар (тактика ва стратегия), қўшин турларининг номлари, турк бирлиги йўлида кўрилган тадбирлар баён этилган. Жумладан Илтерешхон бошчилигида туркларнинг жамлашуви шундай нақл этилган: «Чуғой кузни ва Қорақумни манзил қилиб олган эдик. У ерда кийик еб, қўён еб яшардик. Халқнинг озиғи йўқ эди. Душман атрофга қанотини ёзганди. Биз шай эдик, эрк учун курашувчилар шундай туради... Тўқуз ўғуз халқи устига бир хоқон ҳукмрон бўлди».

Бизга қадар намуналари кўп сақланиб қолган, давлатчилигимиз ҳамда маънавий ҳаётимизнинг айрим жиҳатлари хийла аниқ кўрсатилган ёзув суғд ёдгорликларидир. Ёзувнинг Панжакент, Кенсой ҳамда Қорақум дараларидан кўплаб намуналари топилган. Уни ўрганишда Лившиц, Исҳоқов ҳамда Искандаровларнинг хизматлари катта. Суғд ёзувлаарида, бир томондан, турли бекликларнинг ҳамжиҳатликда араб босқинчиларига қарши курашга даъват, улар ўртасидаги дипломатик муносабатлар, буюк ипак йўлининг турли йўналишлари орқали Шарқий Туркистон, Хитой ҳамда Ҳиндистон билан савдо-сотиқ ишларини юритиши ўз аксини топган бўлса, иккинчи томондан, маҳаллий халқлар аждодларининг миллий удумлари ифодаланган. Бир неча хатларда Панжакент ҳокимлиги ҳамда Фар- ғона бекликлари ҳудудида яшаган халқларнинг туй маросимлари, никоҳ қайдиқоидалари баён этилган: туй тантаналарида гулхан ёқиб, келинни унинг атрофида айлантириб ўтиш одати ёзилган. Турк шаҳзодаси Уттеген билан Панжакентлик малика Дугдонча никоҳи қайди тафсилотлари кўп жиҳатдан диққатга молик. Унда халқимиз туй маросимининг баъзи қирралари ҳам ёзиб қолдирилган.

Маълумки, ҳозирги санъатшунослар Мовароуннаҳрда инсон ташқи кўриниш — афтини тасвирлаш, яъни портрет жанри XI асрда пайдо бўлган, деган хулосага келишган. Кушан императорларининг тангаларга тушурилган акслари ҳамда Қорақум дарасидаги қояга суғд шаҳзодасининг сурати тушириллганлигини аниқлаш, бу жанр бизда қадимдан мавжуд эканлигини яна бир карра исботлайди.

Миллий қадриятларимизнинг кўп қирраларини ўзида мужассамлантирган энг муҳим ёзма ёдгорлик «Авесто»дир. Зардуштийлик динининг муқаддас китоби бўлмиш «Авесто»нинг илк сафиҳалари эрамиздан олдинги IX асрда Хоразмда яратила бошлаган. Еттинчи асрга келиб эса, уни Амударё соҳилидаги туя боқувчи спитама уруғидан бўлмиш, зардуштийлик динининг асосчиси Зардушт томонидан шакллантирила бошлаган. Ер юзида биринчи шоир, воиз, донишманд Зардушт кўпхудолик ақидаларига зид ўлароқ якка худолик ғояларини тарғиб этгани учун ҳаёти хавф остида қолади.

У 300 тарафдорлари билан Шимолий Эронга қочиб ўтиб, ўз ғоявий ниятини амалга оширади, коҳинлар ёрдамида «Авесто»ни шакллантиради. Биз бу маърузани ёзишда «Авесто»нинг «Садои Шарқ», «Помир» журналлари ҳамда «Маориф ва маданият» газеталарида эълон қилинган парчаларидан фойдаландик.

Қадимги Юнон донишманди Плиний таъбири билан айтганда «бир миллион қўшиқдан иборат» бўлган ушбу китобда дин назарияси, амалиёти билан бир қаторда Мовароннаҳр ва қадимги Эрон халқларининг тарихи, маданияти, оғзаки ижоди, миллий удумларига оид жуда кўп қимматли маълумотлар, далиллар мавжуд. Бундай мулоҳазалар китобнинг «Вендидод» қисмида, айниқса, анча кенг ва батафсил баён этилган.

Маълумки, халқимиз қадим- дан серфарзандликни ёқтирадиган, «ўнта булса, ўрни бошқа» деб биладиган болажон халқ. Ҳатто «Авесто»да халқимиздаги ана шу олийжаноб фазилат тангри — Яздон томонидан олқишланади. Зардушт Ахура Маздодан «Серфарзанд хонадонга нима берасан» деб сураганда у: «Бундай одамларни ўз ҳимоямга оламан, ҳаётини фаровон, ризқини мўл қиламан» деб жавоб беради. Шунинг учун ҳам зардуштийлик ақидасича катта оилалар жамоа томонидан ҳимоя қилинган. Бир йўла 2-3 тадан фарзанд кўрган оилалар туя билан мукофотланган, доимий нафақа белгиланган. Ер юзида инсон зурриётини кўпайишига қарши чиқиб, қастдан турмуш қурмай юрган қиз қопга солиниб, 25 дарра калтакланган: уйланмасдан юрган эркак доимий темир камар боғлаб юришга мажбур этилган. Умуман, сернуфуз оилалар жамоада катта обруга, алоҳида имтиёзларга эга булишган.

Халқимиз қадимдан деҳқончилик билан шуғулланиб, боғу-роғлар барпо этишга, ариқ, зовурлар қазиш, каналлар чиқазишга, ҳатто, катта карвон йўллар ёқасида, чўлларда ҳам сардобалар қуришга алоҳида эътибор беришган, уларнинг муҳофазаси билан махсус шуғулланилган. Шунинг учун ҳам «Авесто» да бу масалага жиддий муносабатда булиш лозимлиги махсус уқтирилган. Ҳовуз, қудуқ, ариқ сувларини ифлос қилишга қарши махсус кураш олиб борилган; анҳор ва ариқ бўйларида мол боқишга, отларни боғлашга рухсат этилмаган; қудуқ ва ҳовуз сувини ифлос қилганларга катта жарима солинган. «Инсон бутун умри давомида сув, тупроқ, ҳаво, олов, умуман дунёдаги жами яхши нарсаларни покиза ва бусбутун асрашга мажбурдир... Ер-сув, оловни асраш қоидаларини бузган ҳар бир киши 400 қамчи калтакланиш жазосига маҳкумдир», «Ҳар бир инсон ўзи туғилиб ўсган (Заминни) Мамлакатни муқаддас билмоғи шарт».

Китобда оила поклиги, шахсий поклик, боғ-роғлар, ғўристонлар барпо қилиш қонун-қоидалари ҳам баён этилган. Қабристон ҳудудидан 50 қадамгача мевали дарахтлар ўтказмаслик, зироат экмаслик қатъий талаб этилган. Ғўристон ичига арча, сандал ҳамда мева бермайдиган зайтун дарахтларини ўтказишгагина ижозат берилган. Ғассал ва муродашўйлик гигиенаси изчил тушунтирилган.

Бундан ташқари «Авесто»да чорвачилик деҳқончилик, бола тарбияси, инсон камолоти, аҳлоқ-одоб низомлари ҳам хийла батафсил баён этилган: Ватанни севиш, инсонпарвар бўлмоқ, ширинсухан, меҳрибон, ҳалимлик қилмоқ, барча инсонларга ғамхўр бўлмоқ хусусида панд-насиҳат қилинади: «Илоҳий қонунга бўйсунадиган, яхши киши, яқин одамига меҳрибон булиш муҳтожлик ва хавф-хатар остида қолганда кўмаклашишга шайлик, кишилар бахт-саодати учун ёвузликка қарши фаол курашга тайёр бўлиш, ҳамма билан аҳил ва тотувликда, биродарликда яшашга интилишда намоён бўлади. Инсон фикран ҳам, ҳаёлан ҳам ҳасадгўй бўлмаслиги лозим. Яхши ниятли киши ҳеч қачон дарғазаб бўлмайди ва жаҳолатга берилмайди, чунки жоҳиллик ҳолатида у яхши ниятини йўқотади, бурч ва адолатни унутиб, ножўя ҳаракатлар қилади! «Авесто» да Ватанни, она заминни муқаддас билмоқ, уни девлар, ғайри табиий кучлару офатлардан асрамоқ масаласи ибодат йўсинларида ҳам, қўшиқлар гимнларда ҳам кўплаб маротаба қайта-қайта уқтирилади.

Шуни ҳам алоҳида таъкидлаш лозимки, Мовароуннаҳр қадимдан илф-фаннинг ҳамма соҳалари бўйича кишилик жамиятининг асосий маркази бўлган. Ибн Сино, Ар- Розий сингари жаҳоний табибларнинг шу сарзаминдан етишиб чиққани бежиз эмас экан. Зероки, «Авесто»да мингдан зиёд доривор ўсимликлар номи берилган, беморларни даволашнинг 12 ҳил усули кўрсатилган; дори тайёрлаш йўллари баён қилинган; табиб қасамёди, табобат рамзи заҳар сочаётган илон илк бор «Авесто»да битилган, чизилган.

Хулоса қилиб айтганда, узоқ тарих соҳиби, бой маданий, илмий, бадиий неъмат ижодкорлари ўзбек халқининг миллий қадриятлари ранг-баранг. Улардан баъзиларининг тарихи эрамиздан олдингги IX асрларга, оғзаки, ижод асарларию ёзма ёдгорликларга бориб тақалади. Биз бундай сарчашмаларни изчил, ҳар томонлама ўрганиб, ўргатиб, тарғиб этиб бормоғимиз лозим. Хусусан «Авесто»даги «кучукни калтакласанг, бахтсиз буласан», «Чорвани кўпайтирсанг, эл ризқининг мўл бўлишига сабаб буласан», «дон экиб, нонни кўпайтирсанг, девларни қувган, балоларни даф этишга ёрдам берган буласан» сингари фикрлар, оила гигиенаси, атроф-муҳит покизалигини сақлаш, яйловлар, боғу-роғларни пайҳон этмасликка, табиатни муҳофаза қилишга, инсонлар истиқомат қиладиган манзилгоҳларда кўпроқ мевали дарахтлар ўтказишга, иҳота дарахтзорлари барпо этишга ундаш сингари мулоҳазалар ҳамон ўзининг катта таълимий-маърифий аҳамиятини сақлаб келмоқда. Улардан уқиш-ўқитиш, тарбия жараёнида фойдаланиш фақат наф келтиради, холос.

Ҳ. ҲОМИДИЙ,
филология фанлари доктори, профессор.

Тошкент шаҳридаги 12-мактаб жамоаси ўқувчиларга таълим-тарбия беришда изланишмоқда. Суратда: мактабнинг бошланғич синф ўқитувчиси Сабоҳат Бобоева дарс пайтида.

МАРКАЗИЙ ОСИЁ ЯНГИЛИКЛАРИ

Тожикистоннинг Кофарниҳон районида икки милиция ходимини ўлдирилиши ва тўрттасини қуролсизлантирилганлигида ҳукумат томони муҳолифат томонини айблаган ва бу ҳақда муҳолифат раҳбари Саид Абдулло Нурий номига хат ҳам йўллаган. Муҳолифат кучлари бу даъвони қатъиян рад этди. Матбуот вакили М.Ҳакимзод бу ҳақда тўхталиб: «Иккала томон бир-бирини айбламасдан, махсус комиссия тузиб жиноятчиларни аниқласин ва уларни жазоласин»,- деб айтди.

***

Россия Ташқи ишлар вазирлигининг яқинда эълон қилган баёнотига кўра агар муҳолифат лидерларидан бири Акбар Туражонзодани Эрондан, 500 тожик қочқинларини Афғонистондан тезда қайтариш чораси кўрилмаса Тожикистондаги террорчи Р.Сангинов гуруҳи чет эллик одамларни ғаровга олар эмиш. Би-Би-Си мухбирига Туражонзода бу масала тўғрисида тўхталиб: «Бу Россиянинг ўйлаб топган навбатдаги найранги, Тожикистонда халқаро комиссиянинг ходимларига ҳеч нарса хавф солмайди, бизнинг уларга ҳеч қандай эътирозимиз йўқ. Тожикистонда тинчликни сақлашни бирдан бир гарантияси бу комиссия, уларга раҳмат», деб айтган.

***

Қозоғистон Президенти Н.Назарбоевнинг фармонига мувофиқ, бир қанча амалдорлар ўз вазифаларидан четлаштирилганлар. Бу тадбирни қўллашдан Президентнинг кўзлаган мақсади ҳукумат составига ислоҳотчи кишиларни олиб келишдир, деб хабар тарқатди Эрон радиоси.

***

Қирғизистонда миллий хавфсизлик ходимлари яқинда қуроровчилик билан шуғулланган чет эл фуқаролари бўлган етти кишини ва уларга ёрдам берган беш кишини қамоққа олишган.

***

Туркманистонда Эронда ишлаб чиқарилган кинофильмлар фестивали давом этмоқда. Республика маданият ишлари вазири Ашур Моминов намойиш қилинаётган фильмлар кишиларда яхши қизиқиш уйғотаётганлигини, чунки иккала халқларнинг ҳаёт тарзларида ўхшашликлар мавжуд эканлигини билдирган.

***

Ўтган жума Туркманистонда республика байроғи куни учинчи марта кенг нишонланди. Уша куни Президент С.Ниёзовнинг туғилган куни ҳам эди. Қўшалоқ байрам шарафига ҳукумат қамоқдаги 7 минг кишини бўшатиш тўғрисида авф эълон қилди. Бўшатилганлар асосан аёллар ва касалмандлар эди. Улар бир қўлларида қуръон, бир қўлларида нон тутиб туриб яна жиноий иш қилмасликликка онт ичдилар.

● *Бу қизиқ*

300 ЙИЛГА КЕЧИКТИРИЛГАН ЖАЗО

XVI асрда шотландиялик Арчи Армстронг кунлардан бир кун қўй ўғирлаб қўлга тушади. Уша пайтларда ўғриларга ўлим жазоси бериларди. Шунга кўра у ҳам ўлимга ҳукм қилинди.

Бироқ, Арчиннинг бахтига уша йиллари Шотландия мамлакатини қирол Яков VI бошқарди. Қиролнинг ўзи чиқарган қонунига биноан мамлакатнинг ҳар бир фуқароси Яков VI ҳузурига бемалол кириб, тилагини билдириши мумкин эди.

Ана шу қонундан фойдаланган Арчи қирол ҳузурига кириб, инжилни уқиб тамомлагунимча жазони кечиктирсангиз, деб илтимос қилади. Яков VI бунга розилик билдиради.

Кейинроқ маълум бўлишича, саводи ўта паст Армстронг ҳар куни атиги бир сатр ҳат уқий олар экан. Қонуншунослар Арчининг ишини қайтадан кўриб, киролга бу ҳақда маълум қиладилар. Қирол эса Армстронгнинг топқирлигига қойил қолади, жазони 300 йилга кечиктиради.

Бу ҳам етмагандек, Яков VI Армстронгни «жазо муддатини етиб келгунга қадар» деган шарт билан саройга ишга олади ва ўз қизиқчилари сафига қўшиб қўяди.

С. ОДИЛОВА тайёрлади.

ТАШКИЛОТ ҚУЙИДАГИЛАРНИ СОТАДИ:

Диаметри 12, 14 ммли арматураларни;
Диаметри 32, 35, 40, 45, 50, 63 ммли уголок (уч бурчак)ларни;
Пўлат лист (тахта)ларни;
Бир симли пўлат ҳамда икки симли рух тиканли симларни;
АНО-4(Украина) электродларини;
Қозоғистондан олинган кальций карбидни;
СВО8-А пайвандлаш симларини;
ТО-10, ТО-30 қурилиш ковшларини;
Янги «КамАЗ» самосвал автомобилини;
«Супермаз» автобус автомобилини;
«Иванец», «КамАЗ» кран-автомобилларини;
«Мерседес», «Джип Мицубиси», «Форд» автомобилларини;
ГАЗ, ВАЗ, «Газель», УАЗ, «КамАЗ» сериясидаги автомобилларни;
«Волга», «Жигули», «Дамас», «Тико», «Нексия» ва «Эсперо» автомашиналари учун эҳтиёт қисмларни;
Мотор ёғини, тормоз суюқлигини, транс-миссион ёғини, аксессуарларни;
ЕВ-687 1,2 тоннали электрюклагичларни.

Мурожаат учун телефон: (3712) 77-84-36

"ПГС" ФИРМАСИ ҚУЙИДАГИЛАРНИ СОТАДИ:

Ресторанлар, кафе ва ошхоналар, ишлаб чиқариш ва машиний биполар, шовқинсиз юқори самарали иситиш учун ҳар хил қувватдаги иситгичлар — калориферлар.

Нархи 45000 сўмдан 50000 сўмгача.

Ташкилот ва корхоналардаги; шифохона, санаторийлардаги; дам олиш уйлари, меҳмонхоналардаги; спорт комплексларидаги ҳаммомларнинг САУНАлари учун махсус даволаш электр ускуналари.

Кичик нонвойхоналар \4 хилдаги: 160,80,32 ва 8 буханка нон пишириш қувватига эга

Мурожаат учун манзил:
Тошкент шаҳри С.Раҳимов метро бекати.
Тел: (3712) 79-14-29, 79-38-54.

Спорт Спорт Спорт Спорт Спорт Спорт Спорт

НАГАНО - 98 ИНТИҲОСИ

XX асрнинг сўнгги қишки Олимпиадаси учун ажратилган давр ҳам ўз ниҳоясига етди. Олимпиада ўйинларининг сўнгги кунига келиб германиялик спортчилар умумжамоа ҳисобида биринчи ўринни эгаллашлари аниқ бўлиб қолганди. Улар жами 29 та (12 та олтин, 9 та кумуш ва 8 та бронза) медални қўлга киритиб, юксак натижага сазовор бўлишди. Иккинчи ва учинчи ўринни эгаллаган Норвегия ва Россия терма жамоалари эса амалда ким иккинчи ўрин эгаси бўлишини аниқлаб беришлари лозим эди. Шу кунгача бу мамлакатлар 9 тадан олтин медалга сазовор бўлишган ва скандинавияликлар фақат медалларнинг умумий сонига кўра иккинчи ўринда боришаётган эди. Сўнгги куни бўлиб ўтган чанғи марафони ҳамда хоккей финалида айнан шу жамоалардан бири олтин медални олиши тайин эди. Бу эса мусобақаларга қизиқишни янада кучайтирди.

Ўтган мусобақаларда аёллар чанғи пойгаси бўйича барча олтин медаллар Россия терма жамоасига насиб этди. 5 та масофа, 5 та ғалаба бу, албатта, рекорддир. Чанғи пойгасида 30 км масофага эркин усулда ўтган мусобақада россиялик 21 ёшли Юлия Чепалова маррага биринчи бўлиб етиб келди.

Учинчи олтин медал учун 5000 метрга конькида югуриш бўйича иштирок этган аёллар ёши 23-25 ёшни ташкил этди. Наганода биринчи марта янги конькида янги рекордлар ўрнатилиб, ғолиблар аниқланди. Голландияликлар бу конькида Европа чемпионатларида қатнашиб, олимпиада ўйинларида ҳам олтин медалга асосий даъвогар бўлдилар. Лекин спортчиларнинг маҳорати, техникаси фақат конькида эмас. Шунинг учун ҳам медаллар учун жанг германиялик ва қозоғистонлик спортчилар ўртасида борди. Германиялик Клавдия Ферштайн 6:59,61 натижа билан жаҳон рекордини ўрнатди ва бош мукофот эгаси бўлди. Қозоғистонлик Людмила Прокашова 7:11,14 натижа кўрсатиб, олимпиада рекордини янгилади ва бронза медали билан тақдирланди.

Тоғ чанғи спортининг слалом тури бўйича эркаклар ўртасидаги мусобақанинг 25-дақиқасида 5 балли ер силкиниши кузатилди. Бу эса спортчиларни қийин аҳволга солиб қўйди. Натижада 10 спортчи биринчи ўринишда маррагача етиб боролмади. Шунга қарамай, спортчилар баҳсларни давом эттиришди ва иккинчи ўринишда норвегиялик машҳур чанғи устаси, Хан Спетер Бурс юқори натижа кўрсатиб, олтин медални қўлга киритди.

Ундан сўнг биатлон бўйича эркаклар 4 бор 7,5 км масофага эстафета баҳсларини ўтказдилар. Унда германия терма жамоаси аъзолари маррани биринчи бўлиб забт этдилар.

Трамплиндан сакрашда медаллар учун Норвегия, Австрия, Финляндия, Швеция, Япония спортчилари мусобақалашдилар. Шулардан биринчи бўлиб австриялик Марел Стечер трамплинга чиқди ва ҳаммани ҳайратда қолдириб, техник жиҳатдан ҳам аниқ сакради. Унинг натижаси 96,5 метр бўлди. Бу натижа билан Стечер анча вақтгача биринчи бўлиб турган эди, лекин финляндиялик Санна Ланенинг масофаси камроқ бўлса ҳам, техникаси учун олган очколари юқорироқ эди. Ҳакамлар уни биринчи ўринга муносиб топдилар. Ҳаммага маълум норвегиялик спортчилар ушбу тур бўйича кучли, улар олтин медалга асосий даъвогар эдилар. Бунинг учун норвегиялик фин спортчисини енгиши керак эди. Бироқ омад улардан юз ўгирди - норвегиялик Берта Эндене Вик ғарчи Лампадан 1 метр узоққа сакраган бўлсада, техникаси учун баҳо фин ва астрияликлардан паст эди. Шунинг учун у бронза медал билан кифояланди.

Об-ҳаво ёмон келгани сабабли мусобақа ташкилотчилари бобслей бўйича иккинчи босқич баҳсларини қолдиришни ўйлашган эди. 3-ўринишдан сўнг ғолиблар аниқланди. Бу номга германиялик Голиф Хампель, Кристаф Ланген Маркес Циммерман, Марк Якобсанлар сазовор бўлишди.

Тоғ чанғи спортининг гигант слалом тури бўйича ўтган мусобақада италиялик Деборе Компаньоне юқори натижа кўрсатиб, олтин медаль билан тақдирланди.

Музда нафис учиш бўйича аёллар ўртасида АҚШ терма жамоаси аъзоси Тара Липински қисқа дастур бўйича якка учишда ғолиб деб топилди.

Чанғичиларнинг тез тушиш баҳсида йиқилиб жароҳат олган австралиялик Херман Майер масофани 2:38,51 дақиқада босиб ўтиб бу сафар ҳам барча рақибларини ортда қолдириб, олтин медал эгаси бўлди. 50 км масофага чанғи марафонида эркаклар баҳсида чанғичилар қироли норвегиялик Бёрн Дели ғолиб чиқиб, саккиз карра олимпиада чемпиони бўлди. Россияликларга энг сўнгги олтин медални қўлга киритиш имконини хоккей турнирининг финал учрашуви берарди. Аввал хабар берганимиздек Россия, Чехия жамоалари финалга йўлланмани қўлга киритишган бўлиб, уларнинг қандай кучли жамоалар эканлигини изоҳлаб ўтиришга ҳожат йўқ бўлса керак. Кўп карра жаҳон ва оврупа чемпиони Чехия давлати хоккейчилари бирор марта бўлсада олимпиада ўйинлари чемпиони бўлишмаганди. Финал ўйинларида чехияликлар 1:0 ҳисобида ғалаба қозонишиб, ўз тарихларида илк бора чемпион деган номни қўлга киритишди.

Канада ва финляндияликлар ўртасида 3-ўрин баҳс ҳам қизиқарли ўтди. Унда кутилмаганда скандинавиялик 3:2 ҳисобида ғалаба қозониб, бронза медални қўлга киритишди.

Шундай қилиб, медаллар сонига кўра германияликлар биринчи, Норвегия терма жамоаси иккинчи (10 та олтин, 10 та кумуш ва 5 та бронза), россияликлар эса учинчи (9 та олтин, 6 та кумуш, 17 та бронза) ўринларни эгаллашди. Кейинги ўринларни Канада, АҚШ, Голландия, Япония спортчилари банд этдилар. Шуни таъкидлаш жоизки мусобақа мезбонлари - Японияликлар (5 та олтин, 1 та кумуш ва 4 та бронза) ҳеч қачон на ёзги, на қишки Олимпиадада шунча олтин медалга эга бўлмаганди. Демак, бу ҳам улкан муваффақиятдан далолатдир. Медаллар учун эса 72 давлатдан 24 таси кураш олиб борди.

Мусобақалар якунлангач, асримиз интихосида бўлиб ўтган 18-Қишки Олимпиада ўйинларининг тантанали ёпилиш маросими бўлиб ўтди. 72 давлат спортчилари орасида 5 нафар юртдошларимизнинг иштирок этиши киши қалбида Ватан туйғусини янада жўш урдиради. Ғарчи ҳамюртларимиз совриндорлар сафидан ўрин олишмаган бўлсада, уларнинг мазкур нуфузли мусобақаларда қатнашиши Республикамиз учун катта шарафдир.

Дониёр ЮСУПОВ.

Бош муҳаррир: Саидакром САИДВАЛИЕВ

Бош муҳаррир қабулхонаси-56-25-36
Бош муҳаррир ўринбосари-56-52-89
Масъул котиб - 56-52-78
БЎЛИМЛАР:
Касаба уюшмалари ва иқтисодиёт-56-82-79. Ахборот ва спорт-56-87-63. Маънавият ва маданият - 56-82-79. Хатлар, оммавий ишлар ва мухбирлар билан ишлаш - 56-85-43. Тижорат ва ҳуқуқ-56-85-66.
ВИЛОЯТ МУХБИРЛАРИ:
Жиззахда - 3-82-18, Наманганда - 6-22-10, Самарқандда - 35-64-24, Фарғонада - 24-58-43, Урганчда - 6-03-40, Қаршида - 5-33-71.

Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган.
Сотувда эркин нархда.
Манзилимиз: 700165, Тошкент шаҳри, «Бухоро» (собиқ «Правда Востока») кўчаси, 24-уй.
Нашр кўрсаткичи: 133; 134
Газетага 1994 йил 14 январда Ўзбекистон Давлат Матбуот қўмитаси томонидан 5 рақамли гувоҳнома берилган. ТВМ компьютерида терилди ва саҳифаланди. Офсет усулида босилди. Бичими А-2. Ҳажми 2 босма табоқ.

«Шарқ» нашриёт—матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 4 1—уй. Буюртма Г— 0993. Нусхаси — 23.244. Босишга топшириш вақти — 21.00 Топширилди 21. 00 Масъул навбатчи: Барно СУЛТОНОВА 1 2 3 4 5 6